



СОЛИҚ ЮКИНИ КАМАЙТИРИШ ВА СОҲАНИ РАҚАМЛАШТИРИШ ВАЗИФАЛАРИ БЕЛГИЛАНДИ



Президент Шавкат Мирзиёев 16 март куни Давлат солиқ қўмитасининг Маълумотларни қайта ишлаш марказини бориб кўрди.

Мамлакатимизда аҳоли ва бизнес учун қулайликларни ошириш, инсон аралашувини камайтириш мақсадида солиқ органлари фаолияти изчил рақамлаштирилмоқда. Хусусан, ушбу марказ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 октябрдаги фармониغا мувофиқ, тўлиқ янгиланди. Давлат бюджетидан ажратилган 100 миллиард сўм эвазига бинолар таъмирланиб, узлуксиз электр таъминоти қурилмалари, прецизион кондиционерлар, катта ҳажмли сервер ва компьютерлар билан жиҳозланди.

Натижада марказ қуввати 8 мартага ошди, электрон хизматлар қўлами кенгайди. Шахсий карточкаларда сальдо қаторларини ҳисоблаш каби мураккаб жараёнлар 10 баробар тезлашди. Масалан, илгари республика бўйича ҳисоблашга 24 соат кетган бўлса, эндиликда бу жараён 2-3 соатда амалга оширилмоқда. Бу яширин иқтисодийтни қисқартиришда муҳим омили бўлмоқда.

Киберхужумдан химоя, бизнес-аналитика технологиялари жорий қилинди. "e-jaga", "e-impuz", "Қўшилган қиймат солиғи тўловчилари", "Солиқ текширувлари", "Автоматлаштирилган камерал назорат тизими", "Солиқ узилиши коэффициентини" каби янги дастурий махсулотлар ишлаб чиқилди.

Бу марказни мамлакатимиз солиқ тизимининг "миyasi" дейиш мумкин. Бу ерга барча солиқ тўловчиларнинг

маълумотлари интеграция қилинган. 50 нафарга яқин малакали мутахассис солиқ айланмасини онлайн режимда кузатиб, масофадан тезкор хизмат кўрсатади.

Давлатимиз раҳбари марказдаги иш жараёнини кўздан кечирди. Солиқ органлари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича топшириқлар берди.

Шу ерда соҳа мутасаддилари иштирокида соҳани такомиллаштириш бўйича навбатдаги вазифалар юзасидан йиғилиш ўтказилди.

Сўнги йилларда мамлакатимиз солиқ маъмуриятчилиги тубдан ислоҳ қилинмоқда. 2019 йил декабрда янги тахирдаги Солиқ кодекси қабул қилиниб, тўғридан-тўғри қўлланувчи нормалар жорий этилди. Солиқлар сони 13 тадан 9 тага камайтирилди. Мулк солиғи ставкаси 5 фоиздан 1,5 фоизга, қўшилган қиймат солиғи 20 фоиздан 15 фоизга туширилди. Иш ҳақиға нисбатан солиқ юки қарийб 2 баравар камайтирилди.

Буларнинг натижасида тadbirkorларнинг ислохотларга ишончи ортиб, солиқ тушумлари 4 баравар кўпайди. Қўшилган қиймат солиғи тўловчилар сони 6 мингдан 152 мингга етди.

Тараққиёт стратегиясида бу борадаги ислохотларни давом эттириб, солиқ маъмуриятчилигини соддалаштириш вазифалари белгиланган.

— Биз инсон қадрини улуғлашни эълон қилдик, халқимизни рози қилишга

ҳаракат қилаёلمиз. Халқимиз қачон рози бўлади? Солиқ кам бўлиб, даромади осса, — деди Шавкат Мирзиёев.

Хусусан, 2026 йилга бориб иқтисодийта солиқ юкини 25 фоизгача камайтириш мақсад қилинган. Шунингдек, 2023 йилдан қўшилган қиймат солиғини 12 фоизгача тушириш, кейинчалик ер ва мулк солиқларини бирлаштириш мўлжалланган.

Йиғилиш аввалида мутасаддилар бажарилган ишлар тўғрисида ахборот берди.

Давлатимиз раҳбари солиқ идоралари фаолиятини яхшилаш, бунинг учун ахборот технологияларини кенг жорий этиш зарурлигини таъкидлади.

Бунинг натижасида жараёнлар тўлиқ автоматлаштирилади, яширин иқтисодийёт ҳажмини камайитириш учун солиқ тўловчилари бартараф этилади, кадрлар салоҳияти мустаҳкамланади. Давлатимиз раҳбари дунёдаги тез ўзгаришчан, мураккаб вазиятда солиқ тушумлари барқарорлигини таъминлаш, тadbirkorларга кўмак бериш зарурлигини алоҳида таъкидлади.

— Мен бу ерга солиқ тўловчиларнинг вакили бўлиб келдим, — деди Президент. — Бизга ҳозир тушум ошиши асосийси эмас. Биринчи навбатда, тизимни тўғри қилиб, билмаганларга ўргатиб, солиқ юкини камайитириб, тadbirkorларнинг эмин-эркин, ҳалол ишлашини йўлга қўйишимиз керак.

Солиқчилар жазолочи эмас, кўмакчи бўлиши керак.

Айтиб ўтилганидек, айрим ҳолларда тadbirkorлар янги дастур ва талабларни тушунмагани сабабли кўплаб саволлар ҳам пайдо бўлмоқда. Шунинг учун "Солиқчи — кўмакчи" тамойили асосида уларга янги ишлашни ўргатиш, электрон хизматлар қамровини ошириш зарурлиги таъкидланди. Солиқ қўмитасига барча ҳудудларда тadbirkorлар билан мулоқотлар ўтказиш, оммавий ахборот воситалари орқали халққа ҳисобот бериб бориш вазифаси қўйилди.

Солиқ тизими давлат корхоналарини трансформация қилишда фаол иштирок этиши, уларга таннархни пасайтириш ва молиявий барқарорлик бўйича йўл-йўриқ кўрсатиши кераклиги айтилди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 4 ноябрдаги қарорига мувофиқ, Давлат солиқ қўмитаси ҳузурида Фискал институт ташкил этилган эди. Давлатимиз раҳбари у ерда кадрлар тайёрлаш сифатига эътибор қаратди. Солиқ идоралари ходимларини тизимда жорий қилинаётган янги IT-дастурлар бўйича ўқитиш, шунингдек, хорижда мутахассислар малакасини ошириш муҳимлиги қайд этилди.

Солиқ идораларини коррупциядан холи тизимга айлантириш бўйича топшириқлар берилди.

ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОН ВА ҚОЗОҒИСТОН ПРЕЗИДЕНТЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ БЎЛИБ ЎТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 16 март куни Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев билан телефон орқали мулоқот қилди.

Давлат раҳбарлари икки томонлама муносабатлар кун тартиби ва Марказий Осиёда минтақавий ҳамкорликнинг долзарб масалаларини муҳокама қилдилар.

Жаҳон иқтисодийотидаги инқирозли ҳодисаларнинг салбий оқибатларини камайитириш мақсадида яқиндан ҳамкорликни давом эттириш ва саъй-ҳаракатларни самарали мувофиқлаштиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Икки томонлама савдо ҳажмининг ўсиш суръатини таъминлаш, саноат, энергетика, қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат ва тўқимачилик тармоқлари, транспорт ва логистика соҳаларида

йирик кооперация лойиҳаларини амалга оширишни жаддалаштириш учун қулай шароитлар яратиш, шунингдек, маданий-гуманитар алмашинув дастури доирасидаги қўшма тadbirkorларни фаол ўтказиш муҳимлиги қайд этилди.

Мулоқот якунида давлат раҳбарлари яқинлашиб келаётган баҳорий айём — Наврўз муносабати билан бир-бирини чин дилдан қутлаб, биродар халқларимизга тинчлик-осойишталик, фаровонлик ва раванқ тиладилар.

Сўхбат ҳар доимгидек очик ва дўстона руҳда ўтди.

ЎЗА

МУҚОБИЛ ЭНЕРГЕТИКА

Алишер Навоий бобомизнинг бундан беш ярим аср аввал айтган фикрлари айна пайтга келиб, ҳаётини тасдиғини топиб бормоқда. Офтоб нурлари Ер юзига ҳаёт бахш этгани ҳолда, унинг ёғдулари инновацион технологиялар асосида аҳоли хонадонлари, ижтимоий иншоотлар ва ишлаб чиқариш қувватлари, яъни инсоният қўли билан яратилган мулкларни чароғон қиялпти, уларни экологик тоза энергия билан таъминлапти.

ТОКИМ ҚУЁШДИН БЎЛҒАЙ АНВОР, ЁРУҒ ҚИЛҒАЙ ЖАҲОН МУЛКИНИ...



Бугунги кунда мамлакатимизда ҳам бу борада йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Утган йили мустақиллик байрами арафасида Президентимиз Навоий вилоятининг Кармана туманида қуввати 100 МВт бўлган фотоэлектр станцияси ишга туширилишига старт

берганди. Сурхондарё вилоятининг Шеробод туманида қуёш, Қорақалпоғистоннинг жанубий ҳудудида барпо этиладиган шамол электр станциялари қурилиши пойдеворига ҳам тамал тоши қўйилди...

▶ Давоми 4-бетда

ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНЛАРИ

РАНГИ ОҚ, ЛЕКИН "ҚОРА" БЎЛИБ КЕЛГАН ПАХТАМИЗ

Энди қўшимча 1,5 миллиард долларлик махсулотни экспорт қилишга йўл очилади

"Ислохотлар аҳолининг барча қатламлари манфаатларига ижобий таъсир кўрсатмоқда: тadbirkorлар ўз бизнесини ривожлантириш учун эркинлик ва янги-янги имкониятларга эга бўлмоқда, деҳқон ва фермерлар, кластер хўжалиқлари ўзлари етиштирган ҳосилнинг ҳақиқий эгасига айланмоқда. Ҳолбуки, собиқ мустабид тузум даврида "тепа"дан буйруқ бўлмаса, бир қадам босишга ҳам ҳаққимиз йўқ эди. Аҳвол шу даражага етиб борган эдики, уйимизнинг томигача пахта экдик, лекин косамиз оқармади. Мактаб болаларини ҳам пахтага ҳайдадик. Севимли шоиримиз Абдулла Орипов ўз даврида чуқур дард ва изтироб билан "Миллион эгатларга сочилган ўзбек", деб ёзганидек, юз йил эгилиб пахта тердик.

▶ Давоми 2-бетда



БУЮК ЎЗБЕК ЙЎЛИ

ОЛТИНЧИ ЙИЛ ВОҚЕАСИ

Ўтган ҳар бир кун — тарих. Биз не бир кунларни бошдан ўтказмадик. Оғир замонлар бўлди — чидадик, қийинчиликлар келди — енгдик, тақдир синовлар берди — тобландик. Ниҳоят, биз орзу қилган замонга ҳам етдик. Бугун ёшун қари зўр ҳаяжон, катта мақсад ва эзгу ниятлар билан яшамоқда. Президентимиз таъбири билан айтганда, ҳар биримизнинг қалбимизда "Янги Ўзбекистон орзуси" жўш урмоқда. Бу жўшқинлик янги-янги мақсадларни, халқимизнинг яратувчанлик қудратини ҳаракатга келтирганига ҳам, мана, беш йилдан ошди.

Бу ниҳоятда қисқа давр. Лекин мазмунан, шаклан, моҳиятан тарихий юксалишлар, қалбдан эврилишлар замони бўлди. Дунёда "Янги Ўзбекистон руҳи" пайдо бўлиб, "Буюк ўзбек йўли", деган тараққиёт формуласи яратилмоқда. Ҳар сафар яхши ишлар ҳақида ўйласак, яхшиликлар кела

бошлайди. Бугун ҳаёт қадрини англаш, халқимиз ҳаётини ўзгартириш, авлодларимиз учун улуғвор ишлар қилиш йўлидамиз. Дунёга яхшилик соғинамиз. Бу — тўри йўл эканини ҳаммамиз кўриб, билдик. Эндиги навбат оғишмаслик.

▶ Давоми 3-бетда



ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНЛАРИ

РАНГИ ОҚ, ЛЕКИН “ҚОРА” БЎЛИБ КЕЛГАН ПАХТАМИЗ Энди қўшимча 1,5 миллиард долларлик маҳсулотни экспорт қилишга йўл очилади



Ахмед ЗАЙТОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари

Бошланиши 1-бетда

Яқин-яқингача ҳар йили тахминан 6-7 миллион одам пахта теримига мажбуран сафарбар этиларди. Мана, уч йилдан буён улар бу машаққатдан қутулди...

КАТТА ИМКОНИАТ ВА ЯНГИ БОЗОРЛАР

Ҳақиқатан, узоқ йиллар давомида ўқитувчилар болаларни ўқитиш, тиббиёт ходимлари беморларни даволаш, бошқа ижтимоий соҳа вакиллари зиммасидаги вазифаларни бажариш урнига оила пахта теришга мажбур эди.

Замондош шoirимиз Сирожиддин Саййид айтганидек, “Бутун фуқаро ҳаёллар — пахта, Лабимизда қотиб қолган саволлар — пахта”, эди.

Қишлоқ ҳўжалиги ва тўқимачилик саноати соҳаларини тубдан янгилаш, энг аввало, одамларни рози қилиш, улар учун муносиб турмуш

портчилар учун берилётган барча имтиёзлар татбиқ этилади.

Лойиҳалар доирасида техник-иқтисодий асос, маҳсулот сертификати, божхона тўловлари таъминоти талаб этилмайди. Рухсатнома бериш муддати 3 баробар қисқариб, бу йўналишда бир йил давомида ишлаб келаётганларга рухсатнома ҳар бир шартномага эмас, балки бутун корхона фаолиятига берилади.

Халқаро меҳнат ташкилоти ҳам 1 март куни Ўзбекистон 2021 йилда пахтачиликда мажбурий меҳнат ва болалар меҳнатини бартараф этишга муваффақ бўлганини маълум қилди. Энди компанияларнинг ўзлари меҳнат ҳуқуқларига амал қилишини баҳолаб, Ўзбекистондаги харидларга нисбатан қарор қабул қилади.

КЛАСТЕРЛАР — ЕТАКЧИ КУЧ

Мамлакатимиз аҳолисининг аксарият қисми қишлоқ жойда яшайди. Демак, Ўзбекистонда бандлик ва даромадларнинг ўсиши қишлоқ ҳўжалиги тармоғининг самарали ривожланиши билан ҳам chambarchас bogлиқ.

Сўнгги йилларни мамлакатимизда қишлоқ ҳўжалигида мислсиз ислохотлар даври деб аташ мумкин. Соҳа тубдан модернизация қилиниб, унга бозор тамойиллари татбиқ этилди. 2017 йилда юртимизда ялли пахта ҳосилининг бор-йўғи 0,9 фоизи кластерлар ҳиссасига тўри келган бўлса, 2021 йилдан эътиборан пахта хомашёси 100 фоиз пахта-тўқимачилик кластерлари томонидан етиштирилди.

Ўз навбатида, қишлоқ ҳўжалигида ишлаб чиқаришни ривожлантириш стратегик ҳусусият касб этипти. Масалан, 2017 йилдан буён қишлоқ ҳўжалиги ялли маҳсулотни 1,5 баробар, киши бошига эса 1,4 баробар ошди.

Аҳамиятлиси, сўнгги йилларда қишлоқ

ЭКСПОРТ САЛОҲИАТИ ВА ХАЛҚАРО БОЗОР ТАЛАБЛАРИ

Ўзбекистонда етиштирилаётган пахтанинг асосий қисми маҳаллий корхоналарда қайта ишланиши туфайли қишлоқ ҳўжалиги соҳасида рақобат кучайди. Бугунги кунда бу кўрсаткич қарийб 60 фоизни ташкил этади. Олдинда маъжуд фабрика ва заводларнинг ишлаб чиқариш қувватларини ошириш ҳисобига ип-калага, тўқимачилик ва ё-мой экспортини оширган ҳолда пахтани ўзимизда қайта ишлашни 75 фоизгача етказиш вазифаси турибди.

Ўзбек пахтасига бойкотнинг бекор қилиниши ишлаб чиқарилган тўқимачилик маҳсулотлари экспорти умумий ҳажми икки баравар ошиши, келажакда бу ерда жаҳоннинг етакчи брендларидан кийим-кечак ишлаб чиқарадиган фабрикалар пайдо бўлишига кенг шaroит яратди. Зеро, “Cotton Campaign” бошқарув қўмитаси ва GLJ-ILRF Мажбурий меҳнат дастури вакиллари энди Ўзбекистонда етказиб беришчилар ва брендлар меҳнат амалиётида ҳақиқий шаффофликка эга бўлган ҳамда меҳнаткашларнинг ҳуқуқлари учун сарможа кирита оладиган ва юксак меҳнат стандартларини қўллаб-қувватлайдиган етказиб бериш заңжирининг янги турини яратиш имконияти пайдо бўлганини маълум қилди.

Бойкотнинг бекор қилиниши жаҳондаги тўқимачилик саноати корхоналарининг Ўзбекистон бозорига киришига имкон берса, бошқа томондан, юртимизда янги иш ўринларини ташкил қилиш, қишлоқ ҳўжалиги соҳасига халқаро стандартларни жорий этиш, тўқимачилик маҳсулотлари экспортини ошириш ва соҳада халқаро ҳамкорликни янада ривожлантиришга ёрдам беради. Энди Ўзбекистон тўқимачилик ва тикувчилик тармоқларига янги қувватлардан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқариш-сотиш заңжирини янада юқори ўринларга кўтариш имконияти мавжуд.

Буларнинг барчаси қишлоқ ҳўжалиги соҳаси олдида янги вазифалар қўймоқда. Хусусан, қишлоқ ҳўжалигини молиялаштириш учун бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, электр энергияси таъминотини модер-



ХАЛҚАРО МЕҲНАТ ТАШКИЛОТИ ҲАМ 1 МАРТ КУНИ ЎЗБЕКИСТОН 2021 ЙИЛДА ПАХТАЧИЛИКДА МАЖБУРИЙ МЕҲНАТ ВА БОЛАЛАР МЕҲНАТИНИ БАРТАРАФ ЭТИШГА МУВАФФАҚ БЎЛГАННИ МАЪЛУМ ҚИЛДИ. ЭНДИ КОМПАНИЯЛАРНИНГ ЎЗЛАРИ МЕҲНАТ ҲУҚУҚЛАРИГА АМАЛ ҚИЛИНИШИНИ БАҲОЛАБ, ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ХАРИДЛАРГА НИСБАТАН ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ.

шароитини яратиш ислохотлари амалда ўз самарасини кўрсатяпти. Бу халқаро миёёсда ҳам кенг эътироф этиляпти.

“Cotton Campaign” халқаро коалицияси 10 йил аввал пахта теримида болалар меҳнатидан фойдаланганлик учун Ўзбекистон тўқимачилик маҳсулотларига бойкот эълон қилган эди. Унинг олиб ташланишига “Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон форуми” ҳисоботининг асосий ҳулосалари сабаб бўлди. Ҳисоботда 2021 йилги пахта терими даврида тизимли мажбурий меҳнатга йўл қўйилмагани қайд этилади.

Шу йил март ойи бошида “Cotton Campaign” Ўзбекистонда етиштирилган пахтага нисбатан глобал бойкотини бекор қилгани, шубҳасиз, мамлакатимиз пахта-тўқимачилик саноати дунёнинг энг жозибдор тармоқларидан бирига айланишига кенг йўл очиб беради. C&A, Gap, H&M, Levi Strauss&Co, Tesco, Walmart сингари 331 та бренд ва ритейлни ўз ичига олган ушбу тузилма энди Ўзбекистон ҳўкуматиини фуқаролик жамяияти учун майдон очиб ва масъулиятли етказиб бериувчилар учун зарур бўлган кўлай шароитларни яратишга даъват этмоқда.

Президентимиз 11 март куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида ранги оқ, лекин шу вақтгача “қора” рўйхатда бўлган пахтамизга бойкотнинг бекор қилиниши туфайли маҳаллий ишлаб чиқарувчилар учун юзага келаётган янги имкониятларни алоҳида қайд этди.

“Сўнгги беш йилда қишлоқ ҳўжалиги соҳасидаги ислохотларимиз самарасини бериб, “Cotton Campaign” куни кеча Ўзбекистонни “қора рўйхат”дан чиқарди. Бу ҳам биз учун жуда катта имконият, янги бозорлар дегани. Бунинг ҳисобига истеъмол маҳсулотларининг хомашёсини олиб келиб, уларни қайта ишлаш орқали қўшимча 1,5 миллиард долларлик маҳсулотни бемалол экспорт қилса бўлади”, деди давлатимиз раҳбари.

Шу мақсадда хомашёни олиб келиб, тайёр маҳсулот чиқарган ва уни четга сотадиган (божхона ҳудудида қайта ишловчи) корхоналарга жорий йилнинг апрель ойидан бошлаб экс-

низациялаш, пахта етиштирувчиларга сув етказиб берадиган ирригация тизимини ишлатиш ва бошқариш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишни давом эттириш шулар жумласидандир.

Қишлоқ ҳўжалигидаги илмий ва амалий тадқиқотларда ер унумдорлигини ошириш, маҳсулотлар, ветеринария ва фитосанитария хизматлари хавфсизлик тизимини ривожлантириш, тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш, бозор ва статистика маълумотларини йиғиш ва таҳлил қилиш, бозор инфратузилмасини ривожлантириш, барча даражадаги кадрлар малакасини ошириш бўйича дастурларни етарлича молиялаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Бу гаплар қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини халқаро бозорларга етказиб беришни таъминлаш учун мамлакат ичкариёсид ва божхона чегараларида агрополитстикани яхшилашга ҳам тааллуқлидир. Зеро, бойкот бекор қилингандан кейин Ўзбекистон маҳсулотига бўлган талабнинг прогнозлаштирилаётган ўсиши шароитида пахта таннариҳига таъсир даражасини, жумладан, ички ва халқаро нархлар нисбатини пухта таҳлил қилиш талаб этилади.

Кластер ҳўжаликлар ва фермерларнинг маҳсулдорлигини ошириш доирасида улар ўртасидаги ҳамкорликка юқори мотивацияни сақлаш муҳим аҳамиятга эга. Фойдаланишига берилган ер участкаларига мулкдорларни рағбатлантириш механизмларини янада такомиллаштириш керак. Бу қишлоқ ҳўжалигини модернизация қилишни жадаллаштириш ва рақобатдошлигини оширишга хизмат қилади.

Шу билан бирга, мамлакатимиз қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини дунёнинг қўллаб-мамлалатларига экспорт қилиш ҳажмини ошириш механизми сифатида Жаҳон савдо ташкилотига эъзо бўлиш бўйича ҳўкумат томонидан амалга оширилаётган чора-тадбирларни давом эттириш мақсада мувофиқдир.

Умуман олганда, бойкотнинг бекор қилиниши мамлакатимиз тўқимачилик ва тикувчилик корхоналарининг экспорт кўрсаткичларига ижобий таъсир кўрсатади. Энди тадбиркорлар ва экспортчиларни янги шароитларда қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирларни жорий этиш учун катта ишларни амалга ошириш вазифаси турибди.

2022 ЙИЛ — ЎЗБЕКИСТОННИНГ ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИГА РАИСЛИГИ ЙИЛИ

Ўзбекистон янги босқичга, яъни “Ҳаракатлар стратегиясидан — Тараққиёт стратегияси сари” ўтаётган биринчи йилнинг “Инсон кадрини улуглаш ва фаол маҳалла йили” деб номланиши бежиз эмас.

Янги юксалишнинг илк поғонасини бундай шарафли ном билан аташ замирида асосли мантиқ ва сермазмун маъно бор. Бу гоё мамлакатимизнинг ҳар бир фуқаросини, шунингдек, дунёнинг олис сарҳадларида яшаётган барча ватандошларимизни янги изланишларга, юртимиз янада улугвор руҳиятга бурканишига муносиб ҳисса қўшишга ундайди.

ХАЛҚ ДИПЛОМАТИЯСИ маҳалла институти зиммасига юкланган вазифани таъминлашга кўмаклашувчи восита сифатида баҳоланмоғи лозим



Қобилжон СОБИРОВ, Ўзбекистонда Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Халқ дипломатияси маркази директори

Юртимизда инсон кадрини улуглашни миллий кадриятларимиз асл бешикларидан бири ҳисобланган маҳалла институтидан айро тасаввур этиш қийин. Зеро, халқимизнинг ҳамжиҳат, бир-бирига елкадош, тинч-тотув, яшашини таъминлаш гарови ҳисобланган маҳаллаларда инсон кадрини доимо юксак бўлган.

Хусусан, жорий йилнинг “Инсон кадрини улуглаш ва фаол маҳалла йили” деб аталиши Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатда тугган йўли, халқаро ҳамжамият билан ўзаро муносабати барча давлатлар учун бир хил ва кадрли эканига ишорадир. Шу маънода, Тараққиёт стратегиясининг еттинчи йўналиши мамлакатимиз хавфсизлиги ва мудофаа салоҳиятини кучайтириш, очик, прагматик ва фаол ташқи сиёсат юритишни назарда тутайди.

Жорий йил Ўзбекистоннинг ташқи фаолиятида ўзига хос аҳамиятга эга. Юртимиз Шанхай ҳамкорлик ташкилотига раислик қиладиган йил. Шу муносабат билан мамлакатимиз ҳудудларида ШХТга эъзо давлатлар билан bogлиқ қўллаб-қувватлаш, маданий ва маърифий тадбирлар ўтказилади.

МАҲАЛЛАДОШ ҚўНИ-ҚўШИЛАР ОРАСИДАГИ ТУРЛИ ДИН ВА ЭЪТИҚОД ВАКИЛЛАРИ АЖРАТИЛМАЙДИ, БОШҚА ДИН ВАКИЛЛАРИНИНГ ҲАМ ҚўШИЛИК ҲАҚ-ҲУҚУҚЛАРИ САҚЛАНАДИ. БЕМОР БЎЛСА, ҲОЛ-АҲВОЛ СўРАШ, ҚИЙНАЛИБ ҚОЛСА, ЁРДАМ БЕРИШ, БАЙРАМ КУНЛАРИДА ҚўШИЛАРГА СОВҒА-САЛОМ УЛАШИШ КАБИЛАР УРФ-ОДАТ ДАРАЖАСИДА ШАКЛЛАНГАН.

Дунёнинг энг катта халқаро ташкилотларидан бири ҳисобланган Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг олий даражадаги тадбирларида хорижий давлатлардан кўлаб вакиллар иштирок этиши кутилмоқда. Шунингдек, қатор сиёсатчилар, давлат ва жамоат арбоблари, жамиятда ва халқ орасида катта обрў қозонган танкили инсонларнинг шаҳар ва қишлоқларимизга меҳмон бўлиши, халқимиз турмуш тарзи билан яқиндан танишиши учун кўлай шарт-шaroит юзага келади.

Меҳмонларга миллий кадриятларимизни намоен қилишда маҳаллаларнинг ҳам ўзига хос ўрни бор.

Жорий йилда маҳалла институтидан фойдаланган ҳолда юртимизнинг халқаро миёёсдаги нуфузини янада ошириш борасида маъруз халқаро ташкилотнинг барча тузилмалари қатори Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Ўзбекистондаги Халқ дипломатияси маркази ҳам бир қатор тадбирларни амалга оширмоқда.

Жумладан, икки йилдан буён пойтахтнинг “Бонкўча” МФИда мактаб ёшидаги иктидорли болалар иштирокида Наврўз байрами тадбирини ўтказишга бош-қош бўлмоқда. Бундай тадбирларда турли миллатлар, хусусан, ШХТга эъзо мамлакатлар халқлари ёшлари ҳам фаол иштирок этмоқда.

Тадбирларда марказ кўмағида ШХТга эъзо давлатлар халқларининг куй-қўшиқлари янграмоқда, миллатимизнинг миллий кадриятларига бой ютуқлари тартиб этилмоқда. Хорижий давлатларнинг бу анжуманларда иштирок этаётган Ўзбекистондаги идоралари вакиллари Наврўз сирларига ошно бўлмоқда ва халқимиз эзгуликка бой тарихга эга экани яна бир бор эътироф этилмоқда.

Халқ дипломатиясининг ишончли ва тарбиявий кучга эга воситаси сифатида намоен бўлаётган маъруз тадбирлар халқаро барқарорликни сақлашда, юртимизда яшаётган турли миллат вакиллари ўзаро тинч-тотув яшашини таъминлашда муҳим омили бўлаётир.

Халқ дипломатиясини воситалари замирида фақат ўзаро ишончга таянган мулоқотлар мавжуд. Инсонларнинг бир-бирига ишончи ўзбек маҳалла-сининг ҳам қўриқидир. Модомки шундай экан, бори-бори бошқалар билан баҳам кўриш, инсонларнинг бир-бирига ўзаро ишонч ва ҳурмат билан ёндашиши, ҳар қандай мулоқотда яхшилиқни мақсад қилишга рағбат туйғуларини ҳам маҳалладан халқ

дипломатиясига, халқ дипломатиясидан эзгулик истовчи давлатлар ташқи сиёсатига етиб бориши мумкин.

Бунда ўзбек халқига хос маҳалла институти — халқ дипломатиясининг тақдорларига ички қуримаси юртимиз маданияти ривожига мантиқий таъянч вазифасини ўтайди ва миллий маданиятимизнинг дунё маданиятига ҳамжамият бўлишига замин ҳозирлайди.

Айнан шу асосларга кўра, юртимизда жорий йилнинг номланиши замирида маҳалланинг ушбу мақсадларга том маънода эришиши йўллари ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Янги асримизнинг халқаро муносабатларга оид жараёнлари халқ дипломатияси жаҳонда рўй бераётган ўзгаришларга билвосита ёки бевосита таъсир эта олувчи тўлақонли омил сифатида ўзини намоен қилаётганини тасдиқламоқда.

Маъруз залворли ўзгаришлар халқ дипломатиясининг дунёвий омилига таъсирдан фойдаланган ҳолда маҳалла институти, яъни мамлакат ичида тинч-тотувликни сақлаш амалиётидан фойдаланиб, жаҳонда рўй бераётган жараёнлар билан ўзаро мувофиқликни даражасини таъминлашга эътибор қаратиш зарурлигини тақозо этмоқда.

Марказ ўзининг қарийб тўрт йиллик фаолияти давомида ўзаро ишонч ва яхши қўшниликни, миллатларо ва динларо товуликни мустаҳкамлаш, цивилизацияларо мулоқотни, маданий-гуманитар алоқаларни ва ахборот соҳасида ҳамкорликни кучайтиришга йўналтирилган, минг-ла иштирокчилар жалб этилган қўллаб-қувватлаш тадбирлар ўтказиб келмоқда. Уларда халқаро ҳамкорликнинг тенг иштирокчиси ҳисобланган юртимизда минг йиллар мобайнида ривожланган, сайқалланиб, мукамал кўринишга келган маҳалла институтидан самарали фойдаланаётгани диққатга сазовордир.

Бошқа давлатларда деярли учрамайдиган, ўзбек миллий кадриятлари бешиги, ўзаро ҳамжиҳатлик намунаси бўлган маҳалла институтининг муҳим жиҳатларидан бири шундаки, у бошқарувда энг куйи ва бирламчи тизим бўлиб, одамлар билан юзма-юз муносабатга киришади, халққа “борида ҳам, йўғида ҳам” елкадош бўла олади.

Маҳаллада ҳамжиҳатликка яшаш натижасида турли миллат ва эътиқод эгалари ўртасида ўзаро ҳурмат, ишонч ва инсонлараролик муносабатларига асосланган азалий кадриятлар ривожланган.

Энг муҳими, йиллар синовидан ўтган ушбу кадриятлар ёшларни одоб-ахлоққа риоя қилиш,

катталарга ҳурматда, кичикларга иззатда, миллати, халқи, тилига содиқ бўлиш, миллий ўзлигини англаш руҳида тарбиялашда муҳим омил бўлаётир.

Ўзбеклар билан ёнма-ён яшаётган миллатлар яхши қўшничиликда, ўзаро товуликда умргузаронлик қилиб келмоқда. Шу туфайли бу мақсадда турли миллатларнинг миллий таомлиридан тортиб ўзига хос урф-одатлари, миллий маданиятидан тортиб дунёвий фалсафаси ҳам ўзаро уйғунлашиб кетган.

Маҳаллада қўни-қўшилар орасидаги турли дин ва эътиқод вакиллари ажратилмайди, бошқа дин вакилларининг ҳам қўшнилик ҳақ-ҳуқуқлари сақланади. Бемор бўлса, ҳол-аҳвол сўраш, қийналиб қолса, ёрдам бериш, байрам кунларида қўшиларга совға-салом улашиш кабилар урф-одат даражасида шаклланган.

Юртимизда халқ дипломатиясининг бу кўриниши асрлар давомида яшаб келиши халқ орасидан, яъни маҳалладан чиққан инсонларнинг ақлу заковати, фидокорона меҳнати натижасидир.

Бугунги кунда 130 дан ортик миллат вакилларининг Ўзбекистонда аҳил ҳаёт кечиришини таъминлашда муҳим замин бўлган маҳалла тизими таъминотида ўзбек халқ дипломатиясини воситаси сифатида фойдаланиш ижобий натижа бериши шубҳасиз.

Ўзбек халқ дипломатиясини ривожлантиришда дунёда тан олинган воситалар билан биргаликда “фаол маҳалла” тизими амалиётини самарали қўллаш, бир томондан, халқ дипломатиясини олдида қўйилган улкан вазифаларни астойдил бажаришга кўмаклашса, иккинчи томондан, минг йиллар давомида сайқал толган маҳалла тизимининг халқаро миёёсдаги обрўси янада кўтарилишига, дунё бўйлаб оммалаштиришга хизмат қилади. Фаол маҳаллалар доираси кенгайтириши сайин ўзбек халқ дипломатиясининг ташқи таъсир доираси ҳам кенгайиб боради.

Назаримизда, тизимни “фаол маҳалла” тамоили асосида юксалтириш жамоатчилик бошқаруви бўйича ўзбек халқининг тарихий-амалий меросини дунё ахлига, таъбир жоиз бўлса, кўз-кўз қилишини муҳим босқичдир. Минг йиллар давомида ўзини оқлаб келган ушбу миллий бошқарув тизими халқаро ҳамжамият томонидан ҳам амалда қўлланилиши фойдадан холи эмас.

Буюк Ўзбек йўли



Рустам КАЛОНОВ,
Тошкент шаҳар Нуронийлар
кенгаши раиси, сенатор

кўнглини ўқитиб келган тизимга барҳам берилди. Яъни барча ишловчи пенсионерларга пенсияларни тўлиқ миқдорда тўлаш йўлга қўйилди. Бу ҳақда ҳали яна гап бор.

Ўзи, умуман, пенсия беришдаги ўзгаришларни айтиш! Бундан беш йил олдинги манзарани эслайсизми: пенсиялар ҳафталаб, ойлаб кечиккан, почта биноси олдида навбат кутиб турган қариялар мадори қуриган, пластикка тушган пулини ишлатолмай изза бўлиб юрган кайвониларнинг қон босими ошиб кетган...

Шу замонлар ҳам ортда қолди. Аллоҳга минг қатла шўқри, ҳозир ҳаммаси бошқача — зўр! Энди яна бир гап. Нуронийларни қўллаб-қувватлаш йўли Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси асосида кўр олиши эса, “Олтинчи йил воқеаси” сифатида тарихда қолишига шубҳа йўқ.

Шу ҳақда мушоҳада юритиш чоғида, аввало, Президентимизнинг жорий йил 1 мартдаги “Оила ва хотин-қизлар билан ишлаш, маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони ҳамда “Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги



ОЛТИНЧИ ЙИЛ ВОҚЕАСИ

“ ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ КУНИ КЕЧА ИМЗОЛАГАН “НУРОНИЙЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ, УЛАРНИНГ ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИ ОШИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚАРОРИ ҚАР БИР КЕКСА АВЛОД ВАКИЛИГА, ЖАМИЯТИМИЗГА МЕХР ҲАВОСИНИ ОЛИБ КЕЛДИ.

Бошланғич 1-бетда

Бугун ва келажак учун фойдали тадбир

Мақсаддан оғишмаслик ҳақида гап кетганида, кўпроқ ҳаётий масалаларга суянишимиз керак бўлади. Зеро, тарихда ҳам ўзбек давлатчилиги фалсафаси гога қадрланган.

Амир Темур бобомиз ўз ўғитида шундай деган: ёши улуг, кекса сипоҳийларни ҳурматлаб, азиз тутсинлар. Улардан фойдали маслаҳатлар олсинлар, чунки улар айтадиган гаплар ўз тажрибаларида кўриб, билганларидир. Уларни салтанат корхонасининг устунлари, деб билсинлар.

Янги Ўзбекистонда кексалар эъзоз топиб, уларнинг ҳаётий масалаларига ўғитларига амал қилинаётгани замирида ҳам ана шу ҳикмат мужассам. Шу маънода, Президентимиз “Янги Ўзбекистон стратегияси” китобида кучли ижтимоий сиёсат юритиш ҳақида гапирар экан, жумладан, шундай деган эди: яна бир муҳим масала — нуроний отахон ва онахонларимизни ҳам қарз, ҳам фарз.

Бугун ана шу мақсад йўлида КАТТА СИЁСАТ юритилмоқда.

Кексанинг ёшини сўрама, ишини сўра, дейди халқимиз. Ўзбекистонда 3 миллионга яқин нуроний яшайди. Демак, ҳаёт сўққонларида, турли вазиятларда тажрибасидан фойдалансак бўладиган 3 миллион маслаҳатчимиз бор.

Энди, гапни, мамлакатимизда кекса авлод вакилларига қаратилаётган юксак эътибор, алоҳида ғамхўрлик, маҳаллалар ва оилаларда аҳиллик, ҳамжиҳатлик, бағрикенглик муҳитини яратиб бериш чора-тадбирлар самараси билан давом эттирамиз.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси асосида ҳар бир маҳалла қиёфаси ўзгарди. Яшаш тарзимизга “тоза ҳаво” кириб келди. Бу, аввало, аҳолининг маиший муаммоларини ҳал қилиш, фақат шаҳарларда эмас, қишлоқларда, маҳаллаларда янги иш ўринларини яратиш, хотин-қизлар, ёшлар сиёсатида доир чора-тадбирлар, ижтимоий ҳимоя, нуронийларни қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ саяё-ҳаракатларда кўзга ташланади.

Биргина кексаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари ҳақида гапирадиган бўлсак, жумладан, ўтган йилларда шу мақсад кўзда тутилган 10 дан ортиқ қонун ҳужжатлари қабул қилинганини айтиш мумкин. Нуронийларнинг ижтимоий фаоллигини қўллаб-қувватлаш мақсадида “Фахрий мураббий” ордени ва “Меҳнат фахрийси” кўкрак нишони таъсис этилди.

Мана шу ислохотлар фондида узоқ йиллар кекса авлод вакиллари, деб эъзозланадиган, лекин шахду шижоати сўнмаган, аини хислатли, донолик даврига қадам қўйган пенсионерлар

фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори билан ташкил этилган янги тизим ҳақида айтишимиз ўринли бўлади.

Янги ташкил этилган вазирлик маҳаллалар фаолиятини қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, маҳалла тизимини ривожлантириш ишларига киришди. Шу тариқа, маҳаллаларнинг жамиятдаги ўрни ва ролини кучайтириш, аҳоли муаммолари билан ишлашнинг мутлақо янги механизми яратилди.

Ижтимоий ҳамжиҳатлик йўли

Президентимизнинг куни кеча имзолаган “Нуронийларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг турмуш даражасини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ҳар бир кекса авлод вакилига, жамиятимизга меҳр ҳавосини олиб келди.

“Бир нуроний ўн ёшга масъул” тамойили.

амалда таъминлашнинг фойдасини англаш мушкул эмас. Учни ўнга кўпайтирамиз — ўттиз. Демак, 3 миллион нуроний 30 миллион халқимиз — ҳаммамизга маслаҳатдош, ҳаётимизда кўмакчи бўлади.

Президентимизнинг кечаги қарориди эса “Бир нуроний ўн ёшга масъул” тамойилини қарор топтиришни рағбатлантириш механизмига йўл очилди. Эндилкида бу тамойилда ташаббускорлик кўрсатаётган ижтимоий фаол нуронийлар моддий ва маънавий қўллаб-қувватланади. Яъни манфаатдорлик бўлади. Манфаатдорлик эса, натижа, дегани.

Шу маънода, комил ишонч билан айтиш мумкин, нуроний ва кексаларни маҳаллаларда оилаларни мустаҳкамлаш, миллий ва умуминсоний қадриятларни асраб-авайлаш, ёшларни Ватанга муҳаббат, эзгулик ва раҳмдиллик сингари аъёнларини ҳурмат қилиш руҳида тарбиялашга кенг жалб этиш, албатта, ўз самарасини беради.

чуқур қазиб, кўчат ўтқазиб, сўнг қоғозга қайд қилиб, юқори ташкилотга ҳисоб бериш билан ишни якунига етказялмиз. Бу — иш эмас.

Биродарлар, давлатимиз раҳбари нимага куйиняпти?! “Яшил макон” — бугунги ҳаётимиз, фарзандларимизнинг эртанги бахти, ахир!

Мана шу жиҳат Президентимиз қарориди ўз ифодасини топди. Энди ҳар бир фуқаролар йиғини нуронийлар ташаббуси ва тажрибасидан кенг фойдаланган ҳолда, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини амалга ошириш бўйича алоҳида дастур қабул қилади ва ишлар шу асосда йўлга қўйилади.

Бунинг замирида яна бир асосли жиҳат бор. Ахборот технологиялари асрида ер билан тиллаштириш хадисини йўқотиб бораёلمиз. Айниқса, ёшларимиз сунъий яшаш тарзига кўниккан ёки шунга мажбур. Хуллас, она ер қудратини хис қиладиган туйғулар сусайгани сир эмас, очик ҳақиқат. Ана шунда бизга ота-боболаримиз, момоларимиз ёрдамга келади.

Зеро, ота-боболаримиз қадимдан боғ яратиб, ўз ҳудудини чаманзорга айлантиришни фарз билган. Бугун ҳам уларнинг боғи гуллаб-яшнаб турибди. Уларнинг соясида бизнинг фарзандларимиз ҳам бахтли камол топмоқда. Яхшидан боғ қолади, деган нақл ҳам шундан.

Яна пенсия ёшига доир. Президент қарори билан Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг бир мақбул тақлифига розилик берилди.

Яқин кунлардан эътиборан, иш берувчилар ходимини пенсия ёшига тўлдингиз, дея у билан тузилган меҳнат шартномасини ўз ташаббусига кўра, бекор қила олмайд. Икки ой муддатда бу тизим бўйича алоҳида қонун қабул қилиниши кутилмоқда.

Бу Тараққиёт стратегиясининг асоси — инсон қадрини юксалтириш тамойилининг амалдаги ифодаси бўлди. Бу пенсия ёшига яқинлашгани сайин “барибир ишдан бўшатиб юборди, ундан кўра, тадоригимни кўрай”, дея иккиланиб юрган ходимларнинг шахду жаҳдини ҳеч сўндирмасликка, мамлакат тараққиёти йўлида дахлдорлик ҳисси билан ишлашга қизгин чорловдир.

“Нуроний” жамғармаси нима иш қилади? Энди бу жамғарма кекса авлод соғлиғи билан ҳам шуғулланади. Гап шундаки, Президент қарори билан жамғарма олдида нуронийларнинг соғлигини сақлаш борасида аниқ вазифалар қўйилди. Жумладан, отахону онахонларга 3 ойлик эҳтиёждан келиб чиқиб дори воситалари, тиббий ва махсус протез-ортопедия мосламалари олиб берилди, жарроҳлик амалиётлари харажатлари тўланади.

Шунингдек, кексалар спорт мажмуаларида соғлом турмуш тарзи билан шуғулланиши учун абонемент харажатлари ҳам мазкур жамғарма ҳисобидан бўлади. Яна давлат театрлари ва музейларида кексалар учун чилта нархлари тўлиқ қопланади.

Ўзбекистон ҳукумати нуронийларга алоҳида ғамхўрлик қилиб келаётганини мана шу ҳуқуқий асослар ҳам мустаҳкамлайди. Бу ҳақда кўп гапирш мумкин, лекин икки мустаҳкам жиҳатни айтмасликнинг иложи йўқ.

Биринчи жиҳат. Тирик жонимиз, вақт-бевақт танани дард эгаллаши ҳам аён. Шифокорга — поликлиника ёки шифохонага бориш пенсионерлар учун бязан мушкул, бязан эса моддий оғриқли экани-да ҳаётий ҳақиқат.

Дори-дармон, тиббий ва бошқа махсус мосламаларни сотиб олиш эса катта маблағ талаб қилади.

Иккинчи жиҳат. Бош омон бўлса, дўппи топила, деймиз. Бу мақолни ёш ўтаверган, тез-тез эслаб турадиган бўлди. Асли ҳаётнинг ўзи катта мураббий — ўзи ўргатувчи, сабоқ берувчи. Ҳар гал жисмоний тарбия билан шуғулланиш, соғлом турмуш тарзини маромига етказиш, саломатлигимизни асраш ҳақида гап кетганида шу каби ўй-мулоҳазалар ҳаёлимиздан ўтади. Очик гап, инсон ҳаёти, қанча умр кўриши ўзига, соғлом турмуш тарзига боғлиқ экан.

Лекин ҳамма ҳам пул сарфлаб спорт залига



“НУРОНИЙ” ЖАМҒАРМАСИ НИМА ИШ ҚИЛАДИ? ЭНДИ БУ ЖАМҒАРМА КЕКСА АВЛОД СОҒЛИҒИ БИЛАН ҲАМ ШУҒУЛЛОНАДИ. ГАП ШУНДАКИ, ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРИ БИЛАН ЖАМҒАРМА ОЛДИГА НУРОНИЙЛАРНИНГ СОҒЛИҒИНИ САҚЛАШ БОРАСИДА АНИҚ ВАЗИФАЛАР ҚЎЙИЛДИ. ЖУМЛАДАН, ОТАХОНУ ОНАХОНЛАРГА 3 ОЙЛИК ЭҲТИЁЖДАН КЕЛИБ ЧИҚИБ ДОРИ ВОСИТАЛАРИ, ТИББИЙ ВА МАХСУС ПРОТЕЗ-ОРТОПЕДИЯ МОСЛАМАЛАРИ ОЛИБ БЕРИЛАДИ, ЖАРРОҲЛИК АМАЛИЁТЛАРИ ХАРАЖАТЛАРИ ТЎЛОНАДИ.

Кичикдан — хато, каттадан — ато, деймиз. Бу ҳаётий ҳикмат замирида етуқлик қудрати мужассам, жамият ривожининг бош асоси бўлиб турибди.

Юқориди “3 миллион маслаҳатчимиз бор” лиги ҳақида айтдик. Шундай экан, ҳар бир маҳаллада бир нуронийнинг ўн ёшга масъул эканини

“Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин”. Бу — ижтимоий ҳамжиҳатлик ва адолатлилик тамойили шиори.

Қарорда ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган кексалар ва нуронийлар ҳолидан доимий хабар олиш тизимини ташкил қилиш ҳамда ижтимоий ҳимоя дастурлари доирасида давлат хизматлари кўрсатилишини таъминлаш белгиланган. Бу ҳам катта меҳр ва бағрикенглик намунаси.

Ижтимоий ҳимояланган одам, аввало, ҳаётдан рози бўлади. Ҳаётдан рози инсон ижтимоий фаол бўлади. Ўз навбатида, ижтимоий фаол киши ташаббускор, эзгуликларга йўлдош фуқарога айланади. Бу — жамият тараққиёти асоси. Мана, кўра, Президентимиз ўз қарориди биргина ижтимоий ҳимоя тизими орқали қанчаллик узоқни кўзлаганининг туб моҳиятини.

“Яшил макон” лойиҳасида кексалар тажрибаси. Ҳаёт қадрини умр етилаверган сезасан киши. Шунда она табиятнинг меҳри, қадри, хуллас, борлиқ жозибаси янада орта боради. Халқимиз бугун муносиб яшаш керак, дейилапти. Барча харажатларимиз замирида ҳам ана шу мақсад мужассам. Лекин табиятсиз, яъни сувсиз, тоза ҳавосиз, дилни яйратадиган мусаффо манзараларсиз қандай яшаб бўлсин?!

“Яшил макон”, “Яшил макон”, деяпимиз, кўпчилигимиз бу ташаббус ортида ҳаётимизни яхши томонга ўзгартириб юборувчи қудратни хис қилмаялмиз. “Ҳа, лойиҳа доирасида ўн туп кўчат экишимиз керак экан”, деб апил-тапил



МУҚОБИЛ ЭНЕРГЕТИКА

Абдурауф ҚОРЖОВОВ,
иқтисодий шарҳловчи

Бошланиши 1-бетда

Нурободнинг янги "қуёши"

Нуробод тумани ҳудудининг аксар қисми ясси тоғлик, текислик, адир ва қирлардан иборат, унинг кенг лойқалари Қарноб қўлига туташиб кетган. Қўқам серёғин келса, киру адирларни янтоқ, шувоқ, қаррак, оққурай, қўзиқулоқ каби ўт-ўланлар қоплайди. Чорвадорларнинг қозони мойга тўлади. Баҳор қурғоқчил бўлса, жизганак кенгликларда сароб ўйнайди. Хуллас, нурободликлар тили билан айтганда, осмонга қараган юрт.

Туман номи ер ости нодир маъданларига ёки кечалари ёрқин юлдузларга тўлиб кетадиган осмонига менгзабми, умуман олганда, нима учун шундай қарорга келинганидан қатъи назар, келажакни ўйлаб қўйилгани эндиликда яққол намоён бўляпти. Тез орада бу ерда қуёш нурини электр қувватига айлантириб берадиган йирик қуёш фотозлектр станцияси ишга тушади.

— Ушбу станция қурилиши Президентимизнинг 2018 йил октябр ойида Франция Республикасига расмий ташрифи чоғида имзоланган лойиҳалардан бири эди, — дейди Энергетика вазирлиги бошқарма бошлиғи Абдуллажон Отабоев. — Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигида 2019 йил 13 сентябрда бўлиб ўтган тадбирда ушбу лойиҳага расман асос солиниб, Энергетика вазирлиги иштирокида "Ўзбекистон миллий электр тармоқлари" акциядорлик жамияти ва Франциянинг "TOTAL Eren" компанияси ўртасида умумий қуввати 100 МВт бўлган фотозлектр станциясини қуриш ва эксплуатация қилиш юзасидан келишув имзоланди.

Президентимизнинг 2020 йил 13 майдаги "Самарқанд вилоятида қуввати 100 МВт бўлган фотозлектр станциясини қуриш" инвестиция лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори бу лойиҳани ҳаётга самарали татбиқ этишда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Лойиҳанинг умумий қиймати 100 миллион долларни ташкил этади ва у Франция компанияси томонидан 100 фоиз тўридан-тўри инвестиция маблағи ҳисобига молиялаштирилади.

Лойиҳа бўйича "Ўзбекистон миллий электр тармоқлари" АЖга юклатилган вазифалар, жумладан, кириш йўллари қуриш, ер майдонини текислаш ва тўсиқлар билан ўраш ишларини олиб борди. Ишлаб чиқарилган қувватни мамлакатимиз электр таъминоти умумтизимига улаш ва қабул қилиш билан боғлиқ жараёнлар ҳам ниҳоясига етказилди.

— Станция 353 гектар ер майдонида барпо этиляпти, бу ерда ўрнатиладиган қуёш панелларининг умумий сони 295 мингдан ортиқни ташкил қилади, — дейди Энергетика вазирлиги матбуот хизмати ходими Обиджон Дилмуродов. — Унинг ҳудудида барча инфратузилма ишлари амалга оширилган, ҳозирги вақтда қуёш панелларини ўрнатиш ишлари ниҳоясига етказилмоқда.

Электр станция ишга тушгач, йилга 260 миллион киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқариб, 80 мингдан ортиқ хонадонни электр қуввати билан таъминлайди. Яна бир аҳамиятли томони, йилга 78 миллион куб метр табиий газ тежалишига эришилади, атмосферага 100 минг тонна зарарли чиқинди чиқишининг олди олинади. Ушбу ҳажмдаги тежалган газ билан республикада мавжуд барча аҳоли хонадонларини бир кун давомида табиий газ билан таъминлаш мумкин.

Мазкур станция Ўзбекистон тарихида қайта тикланувчи энергия манбалари асосида электр қуввати ишлаб чиқарадиган иккинчи энг йирик қуёш фотозлектр станцияси ҳисобланиб, айнан ушбу қувватдаги биринчи қуёш фотозлектр станцияси 2021 йилнинг августда Навоий вилоятининг Кармана туманида ишга туширилганлигини юқорида қайд этган эдик.

2023 йил якунига қадар Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон туманида Бирлашган Араб Амирикларининг "Masdar" компанияси томонидан қуввати 220 мегаватт бўлган вилоятдаги иккинчи йирик қуёш фотозлектр станцияси ишга туширилиши мўлжалланмоқда.

Орзуларни рўёбга чиқараётган лойиҳалар

Қуёш, шамол, гидро, био ва бошқа энергетика манбалари ҳақида гап борганда, қайта тикланувчи, яшил, муқобил энергия деган атамаларнинг қўлланилиши бежиз эмас. Тадқиқотчиларнинг аниқли киритишича, "яшил энергия"нинг асосида сайёрамиздаги ҳаёт манбаи бўлган қуёш турибди. Шамол ҳам, сувнинг табиатда эркин айланиши ва



бошқа иқлим шароити билан боғлиқ жараёнларнинг барчаси галактикамиз марказий сайёрасининг фоллиги ҳисобига амалга ошади. У қайта ишлангани учун "қайта тикланувчи", экологияга деярли зарари бўлмагани учун "яшил энергия", деб таърифланади. Ҳозирги кунда Ер юзиде, шу жумладан, Ўзбекистонда ҳам электр энергияси ишлаб чиқариш нефть ва табиий газ эвазига ҳосил бўлгани учун унга "муқобил" мақоми берилган.

Юртимизда қуёшли кунлар кўп, йилнинг 320 кунда офтоб порлаб туради. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра, Ўзбекистонда қуёш станцияларини қуриш орқали жами 600 миллиард киловатт соат электр энергияси ишлаб чиқариш имконияти мавжуд. Бу республикамизнинг бугунги кунда энергияга бўлган жами эҳтиёжидан 8 баробар кўп, дегани.

Агар бунга 1 триллион кВт соатга бўлган шамол, 21 миллиард кВт соатдан ортиқ гидроэнергетика, 6 миллиард куб метр ҳажмдаги биомасса ва ҳали қуввати тўлиқ аниқланмаган водород қўшилса,

муқобил энергетиканинг салоҳияти нечоғлиқ улканлиги ҳақидаги тасавуларимиз янада бойиши.

Бирок яқин-яқинларга мамлакатимиз "яшил энергетика" имкониятлари ҳақида гап борганда, яна шундай йирик рақамлар келтирилган эдик, амалий ишларга келганда, кўнглини гурурга тўлдирадиган мисолни топиш даргумон, янада аниқроғи, орзу эди.

Шуқри, бундан беш йил аввал муқобил энергияни ривожлантириш бўйича қабул қилинган ҳужжатлар доирасида амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари орзуларимизни рўёбга чиқара бошлади. Президентимизнинг 2017 йил 26 майдаги "2017-2021 йилларда қайта тикланувчи энергетикани янада ривожлантириш, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия самардорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида"ги қарорига мубофиқ, 2025 йилга бориб, электр энергиясини ишлаб чиқариш қувватлари таркибиде қайта тикланувчи энергия манбаларининг ҳиссасини бир ярим баробарга ошириш назарда тутилган эди. Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 22 августдаги қарорига асосан эса, юртимизда 2030 йилга бориб, муқобил энергия манбаларининг электр қуввати ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улушини 25 фоизга етказиш белгиланган.

Давр шиддат билан ўзгариб борапти. Ислохотлар қутилганидан ҳам тез самара берапти. Кейинги пайтда амалга оширилаётган ва ишлаб чиқилаётган лойиҳалар кўлами бу мақсадларга эришиш мuddатини янада қисқартириш мумкинлигини кўрсатмоқда. Чунки кеча ҳаёлий орзу бўлиб туюлган қуёш ва шамол электр станцияларини барпо этиш ишлари жадаллашиб бормоқда.

— Тараққиёт стратегиясида белгиланган режага мубофиқ, 2026 йилга бориб юртимизда қуёш ва шамол электр станциялари қуввати 8000 МВтга етказилади, — дейди А.Отабоев. — Қайта тикланувчи энергия манбалари улушининг ана шундай миқдорга чиқиши эвазига йилга қарийб 3 миллиард куб метр табиий газ тежалани назарда тутувчи Президент қарори лойиҳаси тайёрланди. Унга кўра, қуёш электр станцияларининг умумий қуввати 4000 МВтга етади. Шунингдек, 2023 йилда Навоий, Жиззах, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятларида жами қуввати 1 минг 100 МВт бўлган 4 та, 2024 йилда Бухоро, Наманган, Хоразм, Қашқадарё ва Фарғона вилоятларида умумий қуввати 900 МВт бўлган 5 та, 2025-2026 йилларда республика бўйича жами қуввати 1 минг 800 МВт бўлган қуёш фотозлектр станциялари ишга туширилади.

Шу ўринда яна бир муҳим жиҳатга эътибор қаратиш лозим: қайта тикланувчан энергия манбалари соҳасида амалга оширилаётган йирик лойиҳаларнинг ҳеч бири давлат кафолатлари тақдими этилишини назарда тутмайди. Бу, ўз навбатида, соҳанинг либераллашуви ва давлат-хусусий шерикчилигининг вужудга келишига имкон яратяпти. Хорижий инвесторлар амалга ошираётган лойиҳалар, бу борада қиритаётган тақлифлар энергетика базорининг йирик иштирокчиларида мамлакатимизда ишлашга бўлган қизиқиш тобора ортиб бораётгани, бунинг учун қўлай инвестициявий муҳит юзага келганини яққол кўрсатиб турибди.

Президентимиз 10 март куни Тошкент халқаро инвестиция форумига тайёргарлик масалалари юзасидан ўтказган йилгида таъкидлаганидек, мазкур анжуман мамлакатимиз иқтисодиёти учун зарур бўлган истиқболли лойиҳаларнинг тақдимот платформаси бўлади. Муқобил энергетика тизимида амалга оширилаётган йирик лойиҳалар, хорижий инвесторлар учун яратилган шароитлар ва жозибадор йўналишлар мамлакатимизнинг халқаро бизнес ҳамжамиятига очилганини намойиш этиш, мазкур тармоқнинг инвестицион салоҳиятини кўрсатиш учун ибратли амалий тажриба бўлади.

ҲАМКОРЛИК САМАРАЛАРИ

ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР

Сув ҳўжалиги тизимини замонавий босқичга кўтаради

Бебаҳо неъмат — сувга бўлган талаб ва эҳтиёж бугун бутун дунёда кучаймоқда. Иқлим ўзгариши, глобал иссиқ таъсири, саноат жадаллашуви ва бошқа омиллар туфайли Марказий Осиё минтақасида ҳам сув ресурсларининг шаклланиш жараёни ўзгариб, обихаёт тақчиллиги сезиларли даражада ортиб борапти. Ана шундай глобал шароитда Ўзбекистон Республикаси сув ҳўжалгини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган концепцияси, Сув ресурсларини бошқариш ва ирригация секторини тараққий эттиришнинг 2021-2023 йилларга мўлжалланган стратегияси ишлаб чиқилгани, уларни ҳаётга татбиқ этиш бўйича халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда тизимли ишлар олиб борилаётгани ўз самарасини бермоқда.

Аҳмад АБДУЛҲАМИД,
Жаҳон банкининг лойиҳа раҳбари:

— Ўзбекистон сув ҳўжалиги соҳасида амалга оширилаётган лойиҳалардан нафақат ушбу мамлакат, балки Жаҳон банки ҳам бевосита манфаатдор эканлигини мамнуният билан қайд этиш жоиз. Хорижий инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда Сув ҳўжалгини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган концепцияси Жаҳон банки учун ўзига хос таширф қозғи, жараёнлар учун эса акцелератор вазифасини бажариб келмоқда.

Яъни молиялаштирувчи ташкилотлар мазкур концепция орқали Ўзбекистоннинг ушбу соҳа



Ўзбекистоннинг халқаро рейтинглардаги ўринларига ҳам ижобий таъсир кўрсатади.

бўйича келгуси режа ва мақсадлари тўғрисида яққол тасаввурга, шу билан бира, тахлил ва прогнозга эга бўлиб, бу ўз навбатида, кредит хатарларини камайтиришда сезиларли омил бўлиб хизмат қилапти.

Ўзбекистон билан Жаҳон банки ўртасидаги ҳамкорлик стратегиясига 1 миллиард доллардан зиёд қийматга эга лойиҳалар киритилишини қўллаб-қувватлайман. Мазкур лойиҳаларни амалга ошириш орқали концепцияда белгиланган йўналишлар бўйича олиб бориладиган ишлар

Бахтиёр КАМОЛОВ,
Сув ҳўжалигида хорижий инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш маркази директори:

— Давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 6 апрелдаги "Ўзбекистон Республикаси Сув ҳўжалги вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мубофиқ, Сув ҳўжалги вазирлиги ҳузурида Сув ҳўжалгида хорижий инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш маркази ташкил этилди.

Марказга халқаро молия институтларининг инвестиция ва техник кўмак маблағларини жалб қилиш орқали соҳада ирригация тизимлари ҳамда сув ҳавзаларини реконструкция ва модернизация қилиш, сув таъминотини ва ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш, фойдаланишдан чиқиб кетган қишлоқ ҳўжалиги ерларини қайта фойдаланишга киритиш, ресурс тежамкор технологияларни кенг татбиқ этиш каби вазифалар юклатилган.

Ҳозирги кунда марказ томонидан Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Ислам тараққиёт банки, Европа Иттифоқи, Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Саудия тараққиёт жамғармаси каби йирик халқаро молия институтлари ва хорижий ҳўкумат молия ташкилотлари билан ҳамкорликда кредит, грант ҳамда техник кўмак маблағлари мақсади ўзлаштирилмоқда.

2021 йилни мисол келтирадиган бўлсак, 5 та хорижий инвестиция лойиҳаси доирасида



140,1 миллион доллар ўзлаштирилди. Натижда 555 километр канал ва улардаги 353 та гидротехник иншоот реконструкция қилинди, 92 та вертикал суғориш қудуғи буриланди. Лойиҳалар амалга оширилган ҳудудларда 800 миллион сўм эксплуатация маблағи иқтисод қилиниши, ирригация тизими каналларининг фойдали иш коэффициентини 15 фоизга ошириш, 80 миллион куб метр сувни тежашга эришилди.

2022-2024 йилларда Бухоро, Навоий, Қашқадарё, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятларида 95 та насос станциясини модернизация қилиш бўйича умумий қиймати 146 миллион еврога тенг бўлган кредит маблағлари ҳисобидан 355 минг гектар экин майдонларини кафолатли сув билан таъминлаш, 40 минг гектар ерни қайта фойдаланишга киритиш кўзда тутилган. Бунинг натижасида модернизация қилинган агрегатларнинг фойдали иш коэффициенти 10-15 фоизга кўтарилди, йилга 40 миллион кВт электр энергияси иқтисод қилинади, эксплуатация ва электр энергиядан 30 миллиард сўм маблағ тежаллади.

Осиё тараққиёт банки ҳамда Европа тикланиш ва тараққиёт банки билан олиб борилган музокаралар натижасида 2022 йилда жами 350 миллион доллар қийматида битимлар имзоланиши кўзда тутилган. Натижда Сурхондарё вилоятининг Боботоғ ва Бухоро вилоятининг Жондор суғориш каналлари қайта реконструкция қилинади. Жондор туманида 7 минг 980 гектар, Боботоғ ҳудудида эса 1 минг 546 гектар ер майдони қайта фойдаланишга киритилди.

Матильда ДИМОВСКИ,
БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари:

— БМТ Тараққиёт дастури Ўзбекистонда бир нечта лойиҳаларни амалга оширмоқда. Хусусан, Ўзбекистоннинг қишлоқ ҳудудларида сув ресурсларини барқарор бошқариш лойиҳаси асосида 2016-2020 йилларда Фарғона, Сирдарё, Қашқадарё, Самарқанд, Хоразм ва Сурхондарё вилоятларида сув ҳўжалги соҳасини ривожлантириш учун 5,5 миллион АҚШ доллари қийматида инвестициялар ўзлаштирилди.

Мазкур лойиҳа доирасида экскаваторлар сотиб олинди, "Тошкент ирригация ва қишлоқ ҳўжалгини механизациялаш муҳандислари институти" миллий тадқиқот университетининг ўқув ҳўжалигида тажриба майдончаси барпо қилинди, жумладан, сув тежовчи технологиялар афзалликларини намойиш этиш мақсадида 10 гектар майдонда ёмғирлаб суғоришнинг автоматлашган тизими ўрнатилди. Мазкур таълим даргоҳи ҳамда вазирлик ҳузуридаги Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти лабораториялари сув сарфи ва оқим тезлиги, оқич сув оқими ўзанининг морфологияси, сувнинг сифати ва ҳароратини ўлчаш учун замонавий ускуналар билан жиҳозланди.

Олдимизда турган вазифа сув ҳўжалги тизимидаги инфратузилма объектларини таъмирлаш-тиклаш, уларнинг фойдали иш коэффициенти ошириш, ва албатта, сув тақчиллигининг олдини олиш бўйича қўрилаётган чора-тадбирларни оммавий ахборот воситаларида янада кенг тарғиб қилиш, аҳолининг сувдан фойдаланиш маданиятини оширишга ҳисса қўшишдир.



Каролина МИЛОВА,
Германиянинг "Яшил Марказий Осиё" минтақавий лойиҳаси раҳбари:

— Сўнги йилларда Марказий Осиё давлатлари, шу жумладан, Ўзбекистонда сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, уни қадрлаш, асраш ва соҳада кадрлар малакасини ошириш борисида Германия халқаро ҳамкорлик жамияти (GIZ) томонидан қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Айниқса, охириги 4 йилда Европа Иттифоқи лойиҳаси доирасида ҳуқуқий-қонуний базани такомиллаштириш, сув соҳасига оид ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишда ҳамкорликни йўлга қўйиш, шунингдек, сув тежовчи технологиялардан фойдаланишнинг янада кенгайтириш масалаларида кенг қўллаш ишлар бажарилди.

Таъкидлаш керакки, GIZ томонидан бугунги кунда Ўзбекистонда сув ресурсларини прогнозлаш ва ҳисобга олиш тизимини такомиллаштириш, маълумотлар сифатини яхшилаш ҳамда сув кадастрини ташкил этиш ишлари қўллаб-қувватланмоқда. 2016-2020 йилларда қиймати 13,3 миллион АҚШ доллари тенг бўлган 36 донна техника пилот ҳудуд сифатида танланган Фарғона, Андижон, Наманган, Сирдарё, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларидаги сув ҳўжалги ташкилотларига етказиб берилди.

Шунингдек, Фарғона, Андижон, Қашқадарё вилоятларида 800 та кичик ўлчамли гидротехник қурилди ҳамда сув истеъмолчилари уюшмалари (СИУ)да сув ҳисоби мониторингини олиб бориш ва маълумотларни узатиш учун ўлчаш ускуналари

Ясин СИДДИҚИЙ,
Осиё тараққиёт банкининг Марказий Осиё ва Кавказ бўйича департаменти бошлиғи:

— Дунёда содир бўлаётган глобал иссиқ таъсирнинг юшатиш мақсадида Ўзбекистон Республикасида сув ресурсларини бошқариш ва ирригация секторини ривожлантиришнинг 2021-2023 йилларга мўлжалланган стратегиясида белгиланган вазифаларнинг ўз мuddатларида бажарилиши муҳим ўрин тутаяди, деб ҳисоблайман.

Иқлим ўзгаришининг салбий таъсирини юшатиш мақсадида Осиё тараққиёт банки иштирокида "Орол денгизи ҳавзасида иқлим ўзгаришига мослашшни ҳисобга олган ҳолда, сув ресурсларини бошқариш" лойиҳасини амалга ошириш режалаштирилган бўлиб, томонлар мазкур лойиҳани ишга тушириш билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқмоқда.

Осиё тараққиёт банки Ўзбекистон Республикасида сув ресурсларини бошқариш ҳамда иқлим ўзгаришларини инobatга олган ҳолда, истиқболли лойиҳаларни янада кўпроқ йўналтиришга тайёр.



ўрнатилди. 6 та тажриба участкасида умумий майдони 53,2 гектар бўлган автоматлашган тизимдан фойдаланган ҳолда, томчилатиб суғориш тажриба майдонлари, вазирликда сув кадастри маълумотларини бошқариш тизими яратилди. 4 та сервер ва 120 дан ортиқ компьютер тақдим этилди. Сув кадастрини юритиш учун ArcGIS лицензияланган дастурига эга бўлган 47 та махсус компьютер ва сув сарфини ўлчаш махсус ускуналари етказиб берилди.

GIZ айна кунда Ўзбекистоннинг сув ҳўжалгини ривожлантириш бўйича концепция ва стратегияда белгиланган вазифаларни ҳисобга олган ҳолда, 2022-2023 йилларга мўлжалланган лойиҳалар устида иш олиб бормоқда.

Рауф НУРУЛЛАЕВ,
"Янги Ўзбекистон" мухбири

ОГОҲЛИК

КИБЕРФИРИБГАРЛИККА ҚАРШИ КУРАШ

ёки интернетдан фойдаланиш маданияти

Ҳозирги ахборот-коммуникация технологиялари замонида ҳаётимизни интернетсиз тасаввур қила олмаймиз. Айниқса, икки йилдан бери давом этиб келаётган пандемия туфайли интернетга эҳтиёж янада ортди. Бу пайтда интернет фирибгарлиги кўпайганини ҳам инкор этиб бўлмайди. Бугун “ўргимчак тўри”нинг инсонлар ҳаётига кўпроқ кириб бориши натижасида, айниқса, онлайн буюртмалар кўринишидаги киберфирибгарлик сони ҳар қачонгидан-да кўпаймоқда.

Абдулазиз РАСУЛЕВ,
юрidik фанлар доктори,
профессор
Амириддин АНОРБОЕВ,
юрidik фанлар бўйича
фалсафа доктори

Фирибгарликнинг бу тури ҳар хил усул ва шаклларда содир этилиши мумкин. Улар орасида энг кенг тарқалгани **фишинг**, **кардинг** ва **фарминг**дир. Фишинг “балик ови” маъносини билдиради ва банклар, тўлов тизимлари номидан электрон хатлар юборади. Фойдаланувчини банк ва тўлов тизимлари билан бир хил кўринишда бўлган махсус сайтга киришга ундайди ва фойдаланувчи унда шахсий маълумотларини қолдириш орқали киберфирибгар тузоғига тушиши мумкин.

Кейингиси кардинг бўлиб, у фишинг сайтлар яратиш ва унда арзон нархдаги товларларни жойлаштириш ҳамда ундан харидорлар ўзининг шахсий маълумотларини (пластик картаси ҳақидаги маълумотларни) киритиш орқали киберфирибгарга пластик карта ҳақида маълумот бериши, аммо бирор олд-сўтинди амалга ошириш имконини бермайдиган киберфирибгарлик туридир.

Фарминг ҳам фирибгарликнинг фишинг сайтлар орқали содир этиладиган кўриниши бўлиб, унда фойдаланувчи сайт номини тўғри қайд этса ҳам сохта сайтга кириверади ва шу орқали шахсий маълумотини ўзи билмаган ҳолда киберфирибгарнинг қўлига топширади.

Бундан ташқари, ушбу жиноят бошқа усуллар билан ҳам содир этилиши мумкин. Ҳозир кўплар қўлидаги валютани интернет тармоғи орқали тегишли банк сайтларига кириш йўли билан онлайн тарзда алмаштиришга ҳаракат қилади. Курслар орасидаги тафовут бирмунча анорзоқ бўлган платформада пул алмаштиришга уриниб кўриши ва шу йўл билан бор маблағини ажралиши кўп учрамоқда. Ёки сохта рекламага учиб, алдамчи фрилансерга чўч тушиши мумкин.

Статистикага кўра, онлайн буюртма орқали фирибгарлик қилишининг энг кўп тарқалган усули харид учун ҳақ тўлаиб, харид қилинган буюмнинг харидорга етказиб берилмаслиги натижасида мулкдорга етказилган зарар ҳисобланади.

Ушбу жиноят барча давлатларда, хусусан, мамлакатимизда ҳам кўп учрамоқда. Статистик маълумотларга қараганда, фирибгарлик жинояти Ўзбекистонда транспорт воситалари ҳаракати ва улардан фойдаланиш хавфсизлигига қарши жиноятлардан кейин иккинчи ўринда туради. Жумладан, Республика процессинг марказининг маълумот беришича, Uzcard брендинан киберфирибгарлик мақсадида расмий сайт интерфейси кўчириб олиниб, бонуслар олиш учун карта рақамини киритиш таклиф қилинган. Натижада шу орқали киберфирибгарлик амалга оширилган.

Шунингдек, “Киберхавфсизлик маркази” ДУК маълумотига кўра, 2021 йилда интернет тармоғининг миллий сегменти маърузи майдонига 17 миллион 97 миң 478 та зарарли ва шубҳали ҳолат, жумладан, 1 354 106 та киберхушроқ аниқланган.

Бундай жиноятни содир этган шахсларга нисбатан жавобгарлик ёшани белгилаш ҳақида дунё давлатлари турлича ёш цензини таклиф қилади. Агар жиноят Ўзбекистон ҳудудида содир этилган бўлса, ушбу шахсга нисбатан ёш цензи 16 ёш деб белгиланган. Мазкур шахс Жиноят кодексининг 17-моддаси ва 168-моддасининг иккинчи қисми “в” бандига асосан, компьютер техникаси воситаларидан фойдаланиб фирибгарлик жиноятини содир этгани учун жиноий жавобгарликка тортилади.

Шу ўринда савол туғилади: бундай жиноят қўлайлигига нима сабаб бўлмоқда ва унинг олдини олиш мумкинми?

Ҳа, албатта, мумкин. Онлайн буюртмага асосланган фирибгарлик жинояти содир этилишига аксарият ҳолларда шахсининг ўзи сабабчи бўлади. Мисол учун, доимий фойдаланувчи онлайн дўконнинг домени номига жабрланувчи етарлича эътибор қаратмайди ва домен номидаги ўхшаш ҳарф ёки белги, рақамлар орқали сохта фишинг сайтга кириб кетади. Синалмаган сайтлар орқали онлайн буюртма қилиш ва пластик карта ҳақидаги маълумотни ўзи билмаган ҳолда фирибгарга бериб юбориш ҳам унинг тузоғига илинишга сабаб бўлади.

Онлайн буюртма вақтида пластик картани сурагга олиб онлайн буюртма олувчи шахсга бериш ва ушбу шахс жабрланувчининг ишончига кириб, унинг пластик картасидаги маблағни ўзлаштириб олаётганини жабрланувчи билмай қолади. Ёки турли алдов рукнидаги сайтларга кириш ва унда назарда тутилган кетма-кет амалларни бажариш ортидан ҳам ўз мулкидан ажралиб қолиши мумкин. Мазкур ҳолатда онлайн буюртма фойдаланувчилари ҳеч қачон ўзига берилмаётган қўлайлик

дан воз кечиши керак эмас, фақат эҳтиёт бўлиш учун қайси ахборот тизими ёки платформа орқали нарса-буюм харид қилаётгани, эҳтиёжи учун назарда тутилган ахборот тизимига тўғри киритилган ёки кирмаётганига эътибор қаратиши лозим. Шунингдек, ҳар хил алдовларга ишонмай, ҳар бир рекламанинг асосига эътибор қаратиши, ўз эҳтиёжи учун харид қилиши мақсадга мувофиқ.

Бундан ташқари, баъзи ҳолларда харид вақтида онлайн сўхбатдан унумли фойдаланиш орқали ҳам фирибгарлар тузоғидан қутулиш мумкин. Жабрланувчи онлайн харид вақтида савдо амалиёти қайси ҳудудда ўтказилаётгани ва имкони бўлса, офлайн сотиб олишга эҳтиёжи борлиги, нарса-буюм сотилаётган жой манзилини сўраш орқали ҳам фирибгар тузоғидан ҳалос бўлиш мумкин. Агар сотувчи ҳалол шахс бўлса, учрашувга рози бўлади, аксинча ҳолатда юзлашишдан воз кечади.

Онлайн харид орқали фирибгарликка учраган ёки шундай вазият кўрбони бўлаётган шахс, биринчи навбатда, зудлик билан платформани тарк этиши, пластик картаси ёки электрон тўлови ҳақидаги маълумотларни киритиб қўйган бўлса, операцияни тўхтатиши талаб этилади. Имкони бўлса, дарҳол тегишли банкка мурожаат қилиб, пластик картасидаги пул маблағларини музлатган ҳолда бошқа пластик карта ёки бошқа ҳисоб рақамга ўтказиши, рўй берган кўнгилсизлик хусусида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга хабар бериши мақсадга мувофиқ.

Бундан ташқари, картадаги пулни зудлик билан мобил иловалардаги банк омонатига жойлаштириши ёки ҳар бир банк операцияларини бажараётган пайтда тўлов амалга оширилаётган ахборот тизимига тўғри кирганига ишонч ҳосил қилиши керак.

Баъзи ҳолларда шахсининг эътиборсизлиги, электрон тўлов воситаларига кирувчи имкониятнинг хавфсизлиги таъминланмагани онлайн буюртма орқали фирибгарлик содир этилишига сабаб бўлади. Шу боис, харид имкониятини берадиган ахборот тизими ҳақида дастлаб батафсил маълумотга эга бўлиб, сўнг харид қилиш, тизимга киришнинг идентификация ва аутентификация ёки фасе (кйёфа) назорати усулларидан фойдаланиш тавсия этилади.

Онлайн харид бугун хусусий сектордан ташқари давлат секторига ҳам кириб борди. Электрон тижорат учун мавжуд имкониятдан давлат органлари ва идоралари хизматчилари ҳам фойдаланаётгани ижобий ҳолат. Бироқ яратилаётган ва жорий қилинаётган ахборот тизимларининг ахборот ва киберхавфсизлиги етарлича таъминланмагани ислохотларнинг пировард натижасига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Шу сабабли ахборот ва киберхавфсизлик талабларидан келиб чиқиб, нафақат давлат секторига, балки хусусий секторда ҳам лицензияланган дастурий маҳсулотлардан фойдаланишга ўтиш ва уни мажбурий қоида сифатида белгилаш бугуннинг долзарб масалалардан. Айнан лицензияланган дастурий маҳсулотлардан фойдаланиш орқали шахс, жамият ва давлатнинг киберхавфсизлиги таъминланади. Лицензияланган дастурий маҳсулотларга келтирилган зарар қопланишини олдиндан аниқ билган ҳолда ундан фойдаланувчилар сони кўпаяди. Бунинг учун эса “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги қонун, Жиноят ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларни кўриб чиқиш тавсия этилади.

Бундан ташқари, бугун тегишли ахборот-коммуникация технологиялари етарли эмаслиги ҳар томонлама нуқлайлиқни вужудга келтирмоқда. Шу сабабли рақамли иқтисодийёт бўйича ваколатли орган ташаббуси билан IT marketга ўхшаган платформа яратиш орқали тадбиркорлик субъектлари ўртасида рақобат муҳитини ошириш мумкин. Шунингдек, давлат буюртмачиси бўлган идоранинг ахборот-коммуникация технологиялари билан боғлиқ шартномавий муносабатларга киришишга таъқиқ ушбу соҳада ҳам рақобат муҳити такомиллашувига сабаб бўлади.

Юқоридаги таклифларнинг инобатга олинishi нафақат онлайн харид билан боғлиқ, балки бошқа ахборот тизимлари ва ахборот-коммуникация технологияларининг ахборот ва киберхавфсизлиги таъминланishiга замин яратади. Қолаверса, барча фойдаланувчиларнинг дастурий маҳсулотни лицензияланиши ва лицензияланган ахборот тизимларига келтирилган зарарнинг ўрни қопланиши натижасида рақамлаштирилган жамиятда фойдаланувчиларнинг давлат органлари ва идораларига бўлган ишончи янада ортади, хусусий секторда ҳам лицензияланган дастурий маҳсулотлардан фойдаланиш амалиёти кенг йўлга қўйилади.

НУҚТАИ НАЗАР

БУЮК МИЛЛАТГА ХОС ЮКСАК ҒУРУР-ИФТИХОР

Ўзбекистон инсоният маданият ҳаётининг юрагини ташкил этувчи юртлардан саналади. Унинг қадимий тарихий марказларининг салмоғини бутун дунё яхши билади. Бунда археологик ва меъморий ёдгорликларнинг аҳамияти муҳим ўрин тутди. Аввало, қадимий осори-атиқалар, айниқса, маҳобатли, салобатли иншоотлар ўзининг тенги йўқ гўзаллиги ва юксаклиги билан маҳаллий аҳолига маънавий тарбия бериб келади. Бухоронинг Минораи калони, Шаҳрисабз Оқсаройи, Самарқанд Шоҳи Зиндаси, Хиванинг Тошхўвлиси инсон қалбида нафосат, олижаноблик ва завқ-шавқ уйғотади. Юртимизнинг узок ўтмиши ҳақида жаҳон аҳлига эслатиб туради.

Рустам СУЛАЙМОНОВ,
Тарих институти бош илмий ходими, тарих фанлари доктори, профессор

Айни пайтда бу ноёб тарихий бойлигимиз мамлакатимизда туризм хизматларини жадал ривожлантириш, айниқса, инфратузилмани яхшилаш, зиёрат туризми ва ички туризм имкониятини кенроқ ишга солиш, шунингдек, маданий мерос объектлари муҳофазасини кучайтиришга оид ишлар самарадорлигини тубдан ошириш зарурлигини кўрсатади.

Президентимизнинг шу йил 18 февралдаги “Туризм, маданий мерос ва спорт соҳаларида давлат бошқарувини такомиллаштиришга доир таъкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони ҳамда “Туризм ва маданий мерос вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори айни пайтда олдимизда турган кўплаб масалаларни ечиш ва тартибга солишга хизмат қилади.

Уларда мамлакатимизда ташқи ва ички туризмини ҳар томонлама кенгайтириш, соҳа бўйича янги йўналишларни ишлаб чиқиш ҳамда туризм бозорларида жорий қилиш, юртимиз туризм имижини янада юксалтириш каби қатор масалалар белгиланган. Жумладан, маданий мерос объектларини аниқлаш, ҳисобга олиш, муҳофаза қилиш, давлат реестри, электрон каталоги, паспорти ва давлат кадастрини юришти, давлат назоратини амалга ошириш жорий этилади. Туризм объектлари давлат-хусусий шериклик асосида самарали бошқарувга ўтади ва соҳага замонавий ахборот технологиялари жорий этилади. Мазкур меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифалар янги Ўзбекистон туризм индустриясини миллий иқтисодиётимизнинг драйверига айлантиришга, юртимиз ўтмиши ва бугунги салоҳияти, ижобий қийфасини жаҳонга намойиш этишга хизмат қилади.

“XX асрнинг 60-70 йилларида “Маданият ёдгорликлари мажмуаси” дастури йўналишида юртимиз археологик хариталарини вилоятлар доирасида яратиш бошланган. Аммо бу жараён охиригача етказилмай қўлиб кетган ва ҳатто тайёр қисмлари ҳам нашр қилинмаган. Ҳозир фанлар академияси археология институти ва чет эллик мутахассислар билан ҳамкорликда айрим туманларнинг хариталарига нашр қилинди.

XXI асрда ҳар бир мамлакатнинг табиий имконияти, иқтисодий салоҳияти билан бир қаторда, миллий, тарихий ва маданий меросини ўрганишнинг аҳамияти ошиб бормоқда. Айни пайтгача соҳадаги энг муҳим муаммолардан бири мавжуд ёдгорликларни сақлаб қолиш, ўрганиш ва улардан оқилона фойдаланишдан иборат эди. Чунки йил ўтган сайн аҳоли кўпайиб, янги экан ва яшаш майдонларига талаб тўхтовсиз ошмоқда. Ҳозирги урбанизация жараёнида бунёд этилаётган янги шаҳар ва қишлоқлар, улар томон олиб борувчи йўллар, сув иншоотлари кўплаб археологик ва архитектура ёдгорликларига жиддий путур етказмоқда. Бу жараёни тартибга солишга қаратилган тартиб-қоидалар мавжуд бўлса-да, унга деярли амал қилинмаётган эди.

Жумладан, 2009 йили 13 октябрда “Археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида”ги қонун қабул қилинганга қарамай, ҳажман кичик жуда кўплаб ёдгорликлар йўқолиб кетишини тўхтатиб бўлмади. Ҳатто йирик ва машҳур археологик ёдгорликларга ҳам путур етказилди. Хусусан, Қарши шаҳридаги энг йирик Заҳҳоки Морон қалъаси майдони (225 гектари) тўлиқ ўзлаштирилиб, иморатлар қурилди. Натижада фақат марказдаги қаср бутун қолган, холос. Ҳатто унинг атрофидаги уч қатор девор устига ҳам замонавий уйлар қурилган эди. 2018-2019 йилларга келибгина вилоят ёдгорликларни сақлаш инспекцияси ва прокуратуранинг ҳам-жиҳатлиқдаги саъй-ҳаракатлари туфайли ноқо-

нуний уйлар бузилиб, ҳудуд тозаланди. Бу каби мисоллар жуда кўп.

Кейинги йилларда маърифат, илм-фан, маданий меросга эътибор туфайли тарихий ва маданий бойлигимизга адолатли муносабат ўрнатилди. Соҳада давлат иродаси билан мутахассислар таърибаси уйғунлашган ҳолда халқ маданий меросига нисбатан янги, замонавий сиёсат жорий этилмоқда. Жумладан, Сенатнинг февраль ойида ўтказилган 23-ялпи мажлисида моддий, маданий мерос мажмуаларини муҳофаза қилишни кучайтириш мақсадида “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун



Ташкент, Фарғона, Хоразм, Жиззах, Сурхондарё. Айнан шу ҳудудларнинг тарихий маркази, археологик ва маданий ёдгорликлари, музейлари XX асрдан давлат музей-қўриқхоналари мақоми билан археологик боғларга айлантирила бошланган эди. Масалан, Хива Ичан қалъаси, Самарқанд музей шаҳар қўриқхонаси, Бухоро арки каби. Аммо бу жараён ҳозир тўхтаб қолган.

Ҳамкасбим ва дўстим П.Леринг берган маълумотга кўра, 2017-2018 йилларда Франциянинг тарихий ёдгорликларига бир йилда юз миллионга яқин ташқи ва ички сайёҳ келиб кетган. Агар юртимизда археологик боғлар ташкил этилса, кўп йиллик илмий ва ижодий дастурлар ишлаб чиқилса, бу жараёнда нафақат тегишли вазирликлар, маҳаллий ҳокимлик, балки Фанлар академиясининг Миллий археология маркази, Тарих, Санъатшунослик, Шарқшунослик институтлари ҳамда тарихий ва ўлкашунослик музейлари ҳам фаол қатнашади. Мазкур фаолият йўлга қўйилгач, археологик боғлар таркибига ҳозир алоҳида объектлар устида бошланган синов ишлари — муҳим археология объектларида қазима олиб бориш, очилган иншоотлар устини ёпиб, археологик музей сифатида сайёҳлик йўналишларига киритиш керак бўлади. Бунинг негизда маданий мерос тарғиботи ҳам йўлга қўйилади.

Бу соҳада Маданий мерос агентлиги бир қатор муҳим чора-тадбирларни амалга ошира бошлаган. Улар орқали музейлар барча археологик топилмаларни сақлашга тайёр эмаслиги аёнлашди. Жумладан, музейларнинг аксариятида сақлашга жўя йўқлиги сабабли кўп сонли археологик ашёларни қабул қили олмайди. Улар фақат кўргазмага қўйиш мумкин бўлган бутун ёки ярим ҳолатдаги буюмларни талаб қилади. Аммо бу ҳолат археологик мажмуаларнинг тарқалиб кетишига олиб келади. Бир жойга, муайян даврга оид археологик мажмуа ўзининг илмий аҳамиятини бой беради. Қўпинча туман музейлари тазмирлаш, қўчиш жараёнида буюмларнинг тарқалиши йўқотади. Кўплаб музейларда намлик ва ҳарорат талаб даражасига жавоб бермайди. Шунинг учун замон талабига жавоб берадиган жавон, шамоллатиш тизими билан таъминланган омондорлар қурмасдан, археологик топилмаларни муносиб даражада сақлаб олмайди. Юртимиздаги минглаб археологик объектларнинг ҳаммасини музейга айлантириш мумкин эмас, аммо қавланган, ҳозир ва келгусида ўрганиладиган ёдгорликларнинг тақдирини режалаштириш керак. Объектларни панжара билан ўраб, қазилган қисмларини махсус муҳандислик иншоотлари билан ёпиб, музей объекти сифатида сайёҳлик йўналишларига қўшиш мумкин.

Одамлар кўпинча Миср эҳромлари, Шумер миҳхати, Қадимги Юнон ва Рим цивилизацияси дурдоналари, Макка ва Мадина тарихини билиши мумкин, лекин ўз юртидаги қадимий қўрган, тепалиқлар ўтмишидан беҳабар. Шу боис, обидалар бўйлаб маҳаллий сайёҳлик йўналишида талаба ва ўқувчилар учун саватлар, мактабларда археологик туғарақлар ва кўча мерос билан танишув сафарларини ташкил этиш керак. Бу каби амалий дарслар ёшларнинг хотирасида бир умр сақланиб қолади. Натижада буюк миллатга хос юксак ғурур-ифтихор шаклланади. Зотан, халқнинг енгилмас руҳий қудрати ҳам аслида шундан иборат.





21 март — Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов таваллуди куни

ОЛТИН ЗИНА



Шодмонкул САЛОМ, шоир

Аммо мен телеэкрандан, унда бўлаётган Абдулла Орипов деган шоирнинг юбилей тадбиридан кўз узолмай ўтирибман. Саҳнага бир ёш шоир чиқди. Озгин, баланд бўйли, сочлари кумушранг, овози муллақча узгача. Унинг ушбу сатрлари умрбод ёдимда қолди:

... Кўй, йилтама,
ватма эски ашулангани,
Ҳеч бўмаса, асра энди Абдуллангани.

Шеър шундай тугар эди. Залда қарсақлар чалинди. Юбилей давом этди. Шу пайт қоронғулик чулғаётган дарицадан бировнинг қараётганини сездим. Онам экан. У менинг сурув олдиға чиқиб, отамга қарашли ўрнига телевизор кўриб ўтирганимдан аччиқлиниб деразани шадд билан очди. Кўлидаги сутли челакни дераза раҳига қўя туриб:

— Нима қилиб ўтирасан шу маҳал уйда. Сурув келди... — деди жаҳл билан. Зипиллаб ташқарига чиқиб кетдим. Шамолли ёмғир остида, сурувдаги қўй-қўзиларнинг маъраши аро бояги икки сатрни пичирлаб юрар эдим. Отамнинг дашонмини ҳам, қилаётган ёқимсиз юмшмини ҳам шу сатрлар аралаш тингладим, адо қилдим.

Бу машхур, миллатпарвар шоиримиз Мухаммад Юсуфнинг устозига аталган шеъриндан эканини, ўша мен отамдан дакки эшитган шомда олис Тошкентда Абдулла Ориповнинг юбилеи бўлиб ўтганини кейин билдим. Уша шеър аслида ватан ҳақида эди. Унинг ўтмиш ўғонлари ва келгусидаги алплари, хууссан, Абдулла Ориф хуусида эди. Бу хотиротнинг менга нондай иссиқ ва азиз бир жойи бор. Бу — нега Абдуллангани асра, деди, кимдан ва нимадан асраш керак шоирни, деган савол ва бу саволнинг ичимдаги ўзимга маълум жавобидир.

Ватан ҳисси юракка қандай қилиб кириб келади?

Шоирликдан мурдао нима аслида? Фермер бир йилда фалон тонна ғалла бериб хирмон кўтарганда, унинг элга беражак нафи кундай равшан — одамларнинг нони тайин. Аммо хаёл суриб шеър битаятган шоирдан қандай фойда бор?

Бу саволларни ичимда қайнаб кўл замон юрдим. Шеърга бўлган ҳавасим

Эссе

1991 йилнинг ёмғирли бир кунда — Наврўздан кейинги кунлар бўлса ажабмас — бу шоир бизнинг адирлар қуршовидаги овулга, шу овулнинг тепалик устида кўкқайган чўпон уйига кириб келди. Биз бир йил аввал телевизор олгандик. Шом ва аср орасида экранга термулиб, чопонимга ўраниб, кунушганча бир кунжақда ўтирдим. Ташқарида эса изиллаган шамол ва қора ёмғир... Эзиб ёғиб ётибди. Лойгарчилик. Бу аснода чорвадорнинг уйида ҳеч ким бўлмастлиги керак. Ҳамма ташқарида — мол-ҳол тадориги билан банд бўлади. Сурув қайтадиган пайт яқин. Бу паллада менинг ўз вазифам бор: отам ҳайдаб келаётган сурувнинг олдини олиб, уйда қолган улоқ-қўзини оналарига топиштиришим зарур.

тобора ортаверди. Абдулла Ориповнинг "Ишонч кўприклари" номли китоби кўлимга тушган эса, ҳаётим худди яшин ургандай тамом бошқа ўзанга бурилиб кетди. Бу кунларим шеърга тўла эди. Тушларимда қандайдир тизмалар ёзардим хатто. Болалигим Абдулла Орипов шеърларининг измида қолиб кетганди. Тушга, камалаклар диёридаги сайрга ўхшаган ажойиб кунларим, олисдаги мактабга қатнаш асносидаги беадоқ ҳаёлларим руҳимда Абдулла Орипов сиймосини тиклади. "Бу дунёда Абдулла Орипов деган шоир бор ва... бошқалар ҳам бор", деган алпатовур қиёс ичимда қарор топди. "Бошқалар" — шоирга муҳлис эди, холос. Худди мен каби.

Бу кечмишлар мен сингари кўплаб инсонларнинг юрағида содир бўлганига аминман. Шоирнинг шеъри оғриққа малҳам бўлса, ичиндаги гуссаларининг олиб кетолса, унинг беихтиёр муҳибига айланасан. Шеърини ошқ бўласан. Абдулла Орипов халқнинг шундай бостирилган исёнларини, аламларини, йўқотилган ганжларини шеърятда акс эттирган шоир бўлиб майдонга келди. Шу боисдан ҳам халқ ичида сукули бўлди.

У жуда катта шеърый анъангага эга бўлган миллий шеърятда Ғафур Ғулом, Ойбек, Шайхзода, Ҳамид Олимжон, Миртемир каби салафларнинг кўзини кўриб қолган, сўзини эшитган, айни дамда инсон кўнгли манзараларини бошқа нуқтадан қара олган янги шоир бўлди. Бу шеърятнинг хотираси зўр мутахассиси эди у. Унинг тақдир ато қилган ёмби истеъдоди, катта билими, Абдулла Қаҳҳор таъбири билан айтганда, "тулиб сўнг томадиган томчи" янглиқ шеърларида ўзини кўрсатди. Бу билалари толмас, бир шеър устида кўнлаб ишлаган эринмайдиغان талаби қаттиқ шоирнинг энг олий ютуғи — ҳақиқатнинг юзига тик боққанидир. Бу қийин иш, адо қилиш мушкул бўлган вазифа. Адабиётда турли хил ижодкорлар бор: ижоди тарих билан муштарак бўлган, ўзининг тор қобигига уралашиб қолганлар, сўз санъатини исёнга ёки ирфоний воситага айлантирганлар... Абдулла Орипов ҳаёти ва шахсияти эса ватан мавзусидан сира айро эмас. Унинг муҳаббат мавзусидаги шеъри ҳам, тунислик бола

ҳақидаги ғамгин сатрлари ҳам, минг бир рангларда чарх урувчи табиат тасвирлари ҳам, албатта, ватан мавзуси билан туташиди. Бу катта ижод эгасининг ҳаётига боқиб бир нарсани илғадим: Инсон бир эзгу нарасага чин юракдан кўнлиб берса, албатта, яхши манзилларга, муродиға етаркан. Мен шу икки дарё оралиғида кўнм топан азиз Ўзбекистонни Абдулла Ориповчалик севган иккинчи бир инсонни ҳали кўрмадим. Унинг бахти ҳам, оғриқлари ҳам шу юртга бўлган муҳаббатидан дунёга келгани, шубҳасиз.

Шу сабабли ҳам у чинакам ватан шоири, халқ шоиридир. Элни эътиқод суйди. Халқнинг насил эди, холос. Худди мен каби.

“ШЕЪРГА, СЎЗГА БЎЛГАН КАТТА ЭЪТИҚОД ВА МАСЪУЛИЯТ АБДУЛЛА АКАНИНГ БОРЛИҚ ҲАЁТИ ЭДИ. У ҲАМИША ШОИР БЎЛИБ ҚОЛДИ, ШЕЪРСИЗ КУНЛАРИНИ ТАҚВИМДАН ЮЛҚИБ ОТДИ. ШЕЪР ЁЗГАН ПАЛЛАСИДАГИЧАЛИК ҲЕЧ НАРСА УНИ ОРТЛИҚ ШОДМОН ЭТМАСДИ.

баси, бойлиги бўлган асл шоирга халқ суанар экан. Одамлар Орипов шеърятига шундай катта ишонч билан, олисдан келадиган хушхабардай иониб қарадилар. Дард-хасратини шу чўнг шеърятнинг елкасида кўрдилар. Юқориди, "ўзи шоирликдан нима наф", деган сўзимизга жавоб шундай: Бу дунёда инсон учун энг оғир бўлган юк аслида, унинг кайфиятидир. Кайфияти сўниқ, руҳи синган аскар ватанини қўриқлай олмаганидек, халқнинг руҳи тикланмай туриб, қадди ҳам кўтарилмайди. Ҳақини танимган улус чинакам саодатга етиб борамайди. Абдулла Орипов шеърятини халқнинг ана шу руҳини кўтарди. "Милён ағаларга сочилган" элнинг ҳордиги бўлиб мезондай сузиб келди бу шеърят. Жаҳоннинг турли даврларида яшаб ўтган барча новатор шоирлари янглиқ унинг елкасига ҳам катта, залворли юк тушганди. Бу одамлар синиқ руҳияти эди. Уни юксалтмоқдай мушкул юмушни Абдулла Ориповдек назий норлар адо этиши мумкин. Эзо сўхбатлар асносида ўзига, шеърларига нисбатан жуда кўп қаршиликлар бўлганини айтар эди. Бу ҳолнинг табиий асослари бор: У олам ва одамга бошқа нуқтадан қараб бокди. Илк шеърданок бошқа бир муддаоси борлиги аён эди. Унинг шеърятининг ўқ томирлари бўлган "мен, меники, халқим, ватаним" каби бировларга идао бўлиб туюлган сифатлар кимларгадир эриш туюлган ва ўзи айтганидек қаршиликларга дуч келганди. Муштабид даврнинг ойболтаси миллат оидинларини ҳар қирқ-эпик йилда каллакланган тутдай болталлаб турган рутубатли палларларда "Ўзбекистон ватаним меним", "она тилим", "қачон халқ бўласан", деган аламлар билан нидо бериб келган бу шоирни табиийки силлиққина йўл кутмасди.

Шу сабабли ҳам устознинг шеърятини ва шахсияти миллатнинг тиловларига тақдир ато қилган насибадир, миллий бойлиқдир. Худди Олмалиқ олтинлари,



шифобахш Омонхона булоқлари каби. Бу сўзларнинг исботи учун шоир ижодини теран нигоҳ билан ўқиб кўриш киёфия қилади.

Болалигимнинг қадрон ҳамроҳи, ўсмир юрагимнинг махрами бўлган шеърят соҳиби билан вақти келиб кўришиб қоларман, ҳатто узун-узун сўхбатлар қураман деб хаёл ҳам қилмагандим. Аммо не бахтки, муаззам шеър йўли бизни учраштирди, сўхбатдош, дилдош қилди.

Шу маънода, тақдирдан жуда миннатдор бўламан.

Мен унинг қошига шом тўшаётган паллада келдим. Шомки, умрнинг шоми. Кеч танишдим жуда. Аммо ғарқ пишган боққа кириб келгандим мен. Абдулла ака билан уч йилдан кўпроқ вақт Дурмонда — азиз устозларнинг қадами, нафаси, овозлари қолган гўшада қўшни бўлдим. Дастурхондан тўз едим, сўхбатини тингладим. У биз эртақларда дуч келадиغان доншманднинг айни ўзи эди. Изоҳ талаб қилмайдиган, ичинда савол қолдирмайдиган, асосли, мисолларга бой, равон нутқи одамни ўзига боғлаб қўярди. Узоқ вақтгача таъсирдан чиқиб кетолмай юрардим. Қайси томондан келсанг ҳам ийқитаверадиган пахлаван каби барча саволларим, ўйлаб юрган нарсаларимга шордан жавоб ё таскин топар эдим. Айни дамда бола қалбини ўзида сақлаб қолган бу ноёб инсонда ажиб бир соддалик ҳам бор эди. Бироқ шу соддалиги билан барча нарсани илгар, тушуниб ўтирарди. Яна бир фазилати шу эдики, ҳамма рўпарасидаги сўхбатдошига яраша сўхбатдошига эди. Кибрдан холи, олифталикдан узоқ, шеърятини каби аниқ, нуқтадай тугал ва лўнда гап-сўзлари кишини беэдирамасди.

2014 йилда ўғлимни суннат қилдик. Қибрайлик шифокор билан аввало, Абдулла аканинг дуосини олмақ, кейин уйга ўти ишни адо этмоқчи бўлдик. Дурмон сари бораётган машина рулидаги врач ҳажонда: бизни қабул қиладими, Абдулла Орипов билан кўришамизми?

Мен эса парвойим палак: Абдулла акани "ўзимники" қилиб олган кайфиятда, димоғим кўтарилиб гап сотаяпман...

Ҳали нима воқеа бўлишидан бехабар бўлган ўғилчам эса ўрганиб қолган жойи Абдулла аканинг боғчасига чопқиллаб келди. Устоз бизни иккинчи қават-

да қабул қилди. Меҳрибон Ҳанифа ая одатдагидай дастурхонга борини тўкиб ташлади. Неча-неча беморларни жароҳлиқ столига ётқизганда юраги "килт" этмаган Нурлан оға — врачнинг чой тутган пиёласи титраб турибди. У жуда ҳайратда эди.

Абдулла ака буни сездди. Шу боис, врачга яраша сўзларни айтиб унинг ҳаяжонини босиб қўйди. Шу аснода ташқарига ошқикетган бизнинг болакайни ҳам тушунди. Унга бу гаплар нима керак? Унга ташқарида устознинг неваралари билан югуриб-елиб уйнаш зарурроқ эди. Абдулла ака азда-базда ўрнидан туриб, шакдағи костоми чўнтагидан пул чиқарди. Мен эса:

— Устоз, пулни қўйинг, дуо берсангиз етади, — дейман олифталик билан.

— Сен ҳам ўтир, — деди Абдулла ака қатъий. — Бу неварамнинг ҳақи. Дуо берамиз, пул ҳам берамиз.

Пул олаётган, сочлари типратикандек болакай эса меҳрибон бобога эҳтиром билан кўзлари ёниб боқди. Сўнг ташқарига юра бошлайди. Аммо уни устоз тўхтади ва ҳовучларини тўлдирди дуо қилди:

— Омин! Бир ярим миллиарддан ошадиган муулмоннинг қаторига қўшилаётган Собиржон неварамнинг умри узоқ бўлсин...

Дуони қаранг! Шу ерда билдим дунёдаги муулмонлар сонини...

Болакай ташқарига чопиб кетди. Шунини кўтиб тургандек Абдулла ака ўз бошидан ўтган, айни қўл ҳалоллаш билан боғлиқ

телефон гўшаги, қўлларим компьютер клавишларига. Матни кўчириб олдим. Абдулла аканинг етук тафаккурида ёлган бу шеърнинг баҳосини ҳам айтдим. Яхши шеърнинг асл қимматини билган киши, уни борица эътироф қилса, шоирнинг қувониши бошқача бўлади. Устоз ҳам хурсанд бўлди. Энди навбат тахирига келди. Тахир шундан иборат эдики, шеърдаги битта вергул устозга ўз ўрнида турмаётгандек эди. У ёққа олсам ҳам бегона жойда тургандек, сўздан кейин қўйилса ҳам ноўриндай, буткул олиб ташласа ҳам бўлмади. Қўйингки, шу битта вергулнинг ўз ўрнини топгунча бўлган мурдад раппа-роса ярим кунни олди. Вергул жойини 13 марта ўзгартирди. Қизиги, охирида яна биринчи жойига бориб муқим туриб қолди. Шеърни ёзиб олишга чамаси бирор соат вақт кетган бўлса, вергул эса менинг ҳам, устознинг ҳам анчагина бошини қотирди.


— Абдулла ака, вергулнинг биринчи ўрнига бориб қолди-ку? — дедим телефонда.

Устоз хастаҳол, аммо мамнун овоз билан қўлди ва:

— Ўзи ўша ер экан-да жойи, — деди. Бир оздан сўнг ўша овозда давом қилди. — Шодмонқул, бу тиниш белгиларидан Собиржон неварамнинг умри узоқ бўлсин...

Унинг елкалари силкиниб мириқайганини ҳис қилиб менинг ҳам чарчоғим чиқди. Узим ҳам яйрадим.

Бу хотирлар бугун бир тўша ўхшайди. Қани энди, шундай катта шоирга қотиб бўлиб, кунда-кунора сўхбатлашиб юраверсан...



аламли ва қизиқ тарихни ҳам сўзлаб берди...

Абдулла ака муулмончилиқнинг ушбу катта белгиси — қўл ҳалоллаш билан боғлиқ жуда кўп мисолларни, Паёғамбаримиз ҳадислари билан асослаб шундай бир тарзда айтиб бердики, қаршимда мен таниган шоир эмас, балки айнан хатна масаласида атай шуғулланган олим ўтирганди сездим ўзимни. Айни паллада унинг қалбидаги катта муулмон бир кўриниш берганди. Бежизга, "Ҳаж дафтар" дек китоблар ёзилмаган экан-да, деб ўйлаб қолдим.

Бу энди-энди уйласам, менинг мўъжаз оилам учун катта воқеа бўлган экан. Нурлан шифокор бекорга ҳаяжонланмаган экан.

Шеърга, сўзга бўлган катта эътиқод ва масъулият Абдулла аканинг борлиқ ҳаёти эди. У ҳамма шоир бўлиб қолди, шеърсиз кунларини тақвимдан юлқиб отди. Шеър ёзган палласидаги чалик ҳеч нарсани ортқ қолдирмади. У киши бегоблиқ сабаб Истанбулда сафар қилди. Шифокорда туриб шеърлар ёзди. Ва, қизиги, бу шеърларни ўша ёқда туриб Ўзбекистонга узатиб турди. Бир неча шеърни телефон орқали ёзиб олишга муваффақ бўлдим.

Шунда мени ҳатто толиқтирган бир иш бўлди. Абдулла ака "Султонлар ва шоирлар" номли каттагина шеър битди. Шеър Истанбулда ёзилди, айни шу аснода Тошкентда қозоғга тушди. Қўлоғимда

Абдулла Орипов шеърятини янги давр миллий тафаккуримиз, адабиётимиз учун олтин зинадир. Бу зинани босиб ўтмай юқорилашнинг имкони йўқ. Унинг шеърятиндан униб чиққан шоирларнинг бир неча авлоди бугун кўз олдимизда ижод қилляпти.

Шу дамгача, баҳоли қудрат, шеърятимизнинг гўлтожи бўлган шоирларимиз ижодини ўрганишга интилдим. Эркин Воҳидовнинг муҳталиф, кенг ва роийш назми, Рауф Фарғиннинг қора гавҳарлари, Усмон Азимнинг селдек шиддати, Омон Матжоннинг жодуқдор шеър тили, Шавкат Раҳмоннинг тақводор камалакларини, Хуршид Давроннинг оқ булутдай поэзияси, Сирожиқдин Сайқилдиннинг шомолли шеърятини, Эшқобил Шукрунинг минг йиллик сўзлари, Салим Ашурнинг мозаик назари ва бошқа шоирларимизнинг шеърый хирмонда улушлари бор ва каттагина. Не тонгки, Абдулла Ориповда бу сифатларнинг ҳаммасидан кўришимиз мумкин. Муллақча янги шоир дея таъништириладиган янги давр ижодкорининг зувласига ҳам Абдулла Ориповдан бир чимд билса-да, қўшилганини қўраверамиз.

Шу сабабли ҳам миллатнинг бу катта шоири, забардаст, некбин зиёлиснинг вақт ўтган сайин қиммати ортиб бораверади. Унга бўлган эҳтиёжимиз шоберадир.

Мен ҳамма инсонга мўъжиза деб қарайдим, инсондан шуни истайдим, дерди зақо устоз. Ва сўхбатларнинг бирини, "Мен уч марта инсоннинг мўъжиза эканига ишондим", деганди. Уша уч ҳолатни ҳам ўз йўсинида тасвирлаб берди. Бири Тошкентда, бири Бойсундаги воқеа, яна бири жиизахлик асални йигит хуусида эди бу гурунлар. Одий, ҳар кимнинг ҳаётида бўлиши мумкин бўлган гаплар. Аммо Рўмий айтганидек, филнинг хартумини тутган басир киши фил — илондек нарса экан, деб хулоса қилгани каби, инсонга Абдулла Ориф назари билан қараган кишигина ҳис этадиган теран мўъжизалардир булар ҳам.

Оқ қозонинг хурмати бир инсондан кам эмас, деб ўқтирган зуқко устоз, етук мураббийнинг улмас шеърятини ва ҳаёти ҳақида кўп ёзиш мумкин. Аммо бир кунлик гурунги сакиз сатр шеърини жо айлаган моҳир устага ўхшаши маъқул қўрдик.

